O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, **19** июнь, жума № **25** (2308). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **19** июня, **2009** год, № **25** (2308). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

... МИНГЛАБ ЁШЛАР УЧУН АРМИЯ САФЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ УЛАРНИНГ ШАХС СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИДА ЎЗИГА ХОС ПОЙДЕВОР БЎЛМОҚДА, ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИНИ ТАНЛАШДА, ОЛИЙ МАЪЛУМОТ, ШУ ЖУМЛАДАН, ҲАРБИЙ МАЪЛУМОТ ОЛИШДА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ОЧИБ БЕРМОҚДА.

Ислом КАРИМОВ

ОДКБ ЙИҒИЛИШИ

МОСКВА, 14 июнь. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 июнь куни Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессиясида иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон, Россия, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ОДКБнинг Коллектив оператив ҳаракат кучларини (КСОР) тузиш ҳақидаги қарорининг ижроси кўриб чиқилди.

Саммитда ОДКБ қамраган ҳудудда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларга ва минтақада сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланишга оид масалалар муҳокама қилинди.

ШҲТ САММИТИ

ЕКАТЕРИНБУРГ, 15 июнь. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Екатеринбург шаҳрига келди.

Саммит ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари иштирок этдилар.

Президентлар ШҲТни янада ривожлантириш, унинг ҳузуридаги тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, кузатувчи давлатлар ҳамда бошқа минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Саммитда халқаро молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш, минтақада хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ШҲТ саммити 16 июнь куни ўз ишини давом эттиради.

(ЎзА).

ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ХУ ЦЗИНЬТАО УЧРАШУВИ

ЕКАТЕРИНБУРГ, 15 июнь. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.)

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида қатнашиш учун Екатеринбург шаҳрига келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон – Хитой муносабатлари 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётгани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15-16 июнь кунлари Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.

Саммит Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги йиғилиши билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).



Баҳром АБДУРАҲИМОВ сурата олган.

Билим довонларин забт этиб

ШУ СОНДА

Истиқлолга посбон, юртга қалқонмиз	4	Ўқувчи ғайриоддий юлдузни аниқлади	16
Курсантлар масъулиятли довондан ўтишди	6	Мирзо Улуғбекнинг илмий мероси	20
Тақдир ҳукми	10	Италияни сеҳрлаган Муножот	21
TV дастур	12-13	«Энг яхши ҳакам – МҲСК вакили»	22
Самая маленькая лошадь в мире	15	Болаларга таътил туҳфаси	24



5 ДАЛА-ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА
УЮШҚОҚЛИК ВА ЖИПСЛИК – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ



7 ДАВЛАТ ИМТИҲОНЛАРИДА
СИНОВЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ



19 АДАБИЁТ
КУТУБХОНА – МАЪНАВИЯТ ГЎШАСИ



22 СПОРТ
ИККИ БОКСЧИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

ЖАРАЁН

ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ХУ ЦЗИНЬТАО УЧРАШУВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Биз Хитой билан ривожланиб бораётган ҳамкорликни юксак қадрлаймиз, – деди Ислом Каримов.

– Ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкониятдир, – деди Ху Цзиньтао.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосига қурилган муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Бунда икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига, минтақавий ва халқаро муаммоларга қарашлари ўхшаш ва яқин экани муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги мулоқотлар, турли мақомдаги делегациялар алмашуви изчил давом этмоқда.

Молиявий ҳамкорлик доирасида Хитой ҳукуматининг фоизсиз ва узоқ муддатли имтиёзли кредитлари, Хитой Эксимбанкининг экспорт кредитлари ҳисобидан ижтимоий соҳага оид ҳамда инфратузилмани ривожлантиришга доир кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Нефть-газ соҳасида сармоявий ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) Орол денгизи акваториясида, Устюрт, Бухоро, Хива ва Фарғона сармоявий блокларида геология-разведка ишларини олиб бормоқда.

Мамлакатимизда енгил саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда 223 та Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Хитойнинг 44 та фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Маданият ва санъат, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Фестиваль, кўргазма, маданият кунлари ва бошқа маданий тадбирлар изчил давом этмоқда. Олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ёрқин ютуқлари сифатида Тошкентда Конфуций номидаги институт, Пекиндаги Миллатлар марказий университетида Ўзбек тили бўлими очилганини таъкидлаш жоиз.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

(ЎзА).

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Музокарада минтақада ва дунёда кечаётган жараёнлар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. ШҲТга аъзо давлатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий-молиявий барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги қўшма саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва фаоллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Шу билан бирга, хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида ҳамкорлик, жумладан, терроризм, экстремизм, айирмачилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси ва бошқа турдаги уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашиш масалалари муҳокама қилинди.

Афғонистондаги вазият кўриб чиқилди, ушбу мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш ва тикланиш ишларини амалга ошириш борасида фикрлар алмашилди. Ўзбекистон раҳбари бу масалага тўхталиб, Афғонистон муаммосини ечишнинг БМТ шафелигидаги янги халқаро механизми – «6+3» мулоқот гуруҳи тузиш ташаббусини илгари сурди. Бу гуруҳ Афғонистонга қўшни олти мамлакат ҳамда Россия, АҚШ ва НАТО вакилларидан иборат бўлади. Шунингдек, Ислом Каримов кўп миллатли Афғонистон халқининг чуқур тарихий илдизларига, барча миллатларнинг анъанавий қадриятларига тўла ҳурмат билан муносабатда бўлиш ғоят муҳимлигини, шу асосда ҳамда музокаралар орқали Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга эришиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Президентлар ШҲТни янада ривожлантириш, унинг ҳузуридаги тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, кузатувчи мақомидаги давлатлар ҳамда минтақавий тузилмалар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

ШҲТ дунёнинг энг нуфузли, қудратли, юқори салоҳиятга эга ташкилотларидан бирига айланди. Бунда ташкилотнинг сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳар томонлама пухта ўйланган механизм вазифасини ўтаётгани, шунингдек, музокаралардаги очиқлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сиёсий соҳада ШҲТ давлатлари ўзаро ишончни мустаҳкамлаб, минтақавий ва халқаро масалаларга ёндашувларни самарали мувофиқлаштиришга эришди.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ШҲТ мамлакатлари учун доимо устувор ўрин тутади. Шу боис саммитлар арафасида иқтисодий-ижтимоий комплекс вазирлик ва идоралари билан бир қаторда, хавфсизлик кенгаши котиблари, ички ишлар, мудофаа, фавқулодда вазиятлар ва бошқа махсус хизматлар вакилларининг мажлислари ўтказилади.

Сўнгги йилларда ташкилот доирасида иқтисодий ҳамкорлик масалаларига катта эътибор берилмоқда. Узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. ШҲТнинг Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси ҳамкорликда бизнес вакиллари ва банк-молия тузилмаларининг бевосита шериклик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, ШҲТ ҳузурида йигирмага яқин ихтисослаштирилган тузилма мавжуд эканини таъкидлаш жоиз. Ишбилармонлар кенгаши, Банклараро бирлашмадан ташқари, божхона, транзит, ахборот ва телекоммуникация технологиялари, транспорт, йўлсозлик, логистика, қишлоқ хўжалиги каби кўплаб соҳалар бўйича махсус ишчи гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Масалан, транзит салоҳиятини юксалтириш бўйича махсус ишчи гуруҳ «Андижон–Ўш–Сариташ–Иркештом–Қашқар» ҳамда «Душанбе–Жирғатол–Қорамиқ–Иркештом–Қашқар» транспорт йўлаклари таркибига кирувчи автомобиль йўллари лойиҳаларини мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

Гуманитар ҳамкорлик кўлами ҳам кенг. Мунтазам равишда фестиваль, кўргазма ва бошқа маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик тажриба алмашув ва юқумли касалликлар тарқалишига қарши курашни мувофиқлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида кузатувчи мамлакатлар вакиллари – Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх, Эрон Ислом Республикаси Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад, Покистон Ислом Республикаси Президенти Осиф Али Зардорий, Мўғулистон ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Норовин Алтанхуяг ҳамда саммит меҳмони сифатида Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ҳамид Карзай ҳам иштирок этди.

Музокарада ШҲТни янада ривожлантириш, ташкилот доирасида ҳамда кузатувчи давлатлар билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Халқаро ва минтақавий вазият кўриб чиқилди, молия, энергетика, ахборот, экология ва озиқ-овқат соҳаларида хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Саммит якунида ШҲТнинг Екатеринбург декларацияси, Терроризмга қарши конвенцияси ва қатор қарорлар имзоланди. ШҲТга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.

ҚИСМ ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ КУН



Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисмлардан бирида қисм ташкил топган кун нишонланди. Бу кун шахсий таркиб ҳаётида катта ўрин тутиши сир эмас.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг, мустақиллигимиз барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимиз тинчлигини асраш учун биринчи навбатда мудофаа тизимига эътибор қаратилди. Ўз миллий армиямиз қад ростлади. Шубҳасизки, унинг таркибидаги ҳарбий қисмлар ихчам, тезкор, профессионал армияга асосланган ҳолда шаклланиб борди. Айни дамда ҳар бир ҳарбий қисм ва муассасани Қуролли Кучларимиз ҳаётида муҳим ўрни бор. Ушбу ҳарбий қисм ҳам худди шундай.

Қисм ташкил топган кун муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирга Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотларидан меҳмонлар таклиф этилди.

Ҳарбий қисмга кириб борган онимиздаёқ байрам шукуҳини ҳис қилдик. Ҳарбий жамоанинг катта йиғинлар зали ҳарбий хизматчилар, фахрийлар, меҳмонлар билан гавжум. Барчанинг нигоҳида ўзига хос ҳаяжон. Тадбир аввалида ҳарбий оркестрнинг тантанали садолари остида қисм байроғи олиб кирилди. Байрам йиғинида биринчи бўлиб сўз олган Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор А. Косьяненко ҳарбий қисм шахсий таркибини қисм ҳаётидаги муҳим кун билан қутлаган ҳолда Қуролли Кучларимиз қудрати, унда кечаётган изчил ислоҳотлар ҳақида тўхталиб, ушбу ҳарбий қисмни ҳам мудофаа тизимида тутган ўрни, муҳим аҳамиятига алоҳида урғу бериб ўтди.

Ҳарбий қисм командири эса ўз сўзида ҳарбий жамоанинг жанговар фаолияти, соҳанинг масъулиятли қирралари, эришган ютуқлари борасида тўхталиб, аҳиллик ва бирдамликда хизмат қилиб, зафарларни қўлга киритаётган шахсий таркибга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Йиғин давомида тантанали тадбир иштирокчилари бўлган Ички ишлар таркибидаги Қоровул қўшинлари бошлиғи, Тошкент ҳарбий округ қўмондони ўринбосари, Бектемир тумани ҳокими, ҳарбий қисм фахрийлари ва ҳарбий хизматчилар сўзга чиқиб, эзгу-тилаклар изҳор этишди.

Қисм ташкил топган кун муносабати билан ҳарбий жамоанинг бир қатор фидойи хизматчиларига диплом ва фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Тантанали тадбир давоми куй ва қўшиқларга уланди.

Зарина НИШОНОВА.

АКТУАЛЬНО

В помощь руководителям групп общественно-политической подготовки

ГОТОВИТЬ ПРОФЕССИОНАЛОВ, ДОСТОЙНЫХ ПАТРИОТОВ ОТЧИЗНЫ

В Обращении Президента страны Ислама Каримова, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана, подчеркивается, что военно-политическая ситуация в Центральноазиатском регионе в связи с продолжающейся вот уже 30 лет войной в Афганистане и активизацией за последнее время террористической и экстремистской деятельности, все более расширяющимися масштабами наркоагрессии продолжает оставаться напряженной. Серьезным вызовом глобальной безопасности в мире являются продолжающиеся в различных регионах локальные войны, военное противостояние, конфликты, проявления терроризма. Добавим к этому – ухудшение экономической, общественно-политической и социальной атмосферы в мире, вызванной негативными последствиями мирового финансово-экономического кризиса.

Все это, говорит глава нашего государства, **«обязывает нас усилить внимание к дальнейшему реформированию нашей армии, ее оснащению современным оружием и техникой, повышению эффективности боевой и политической подготовки войск, в целом – усилению потенциала и боеспособности наших Вооруженных Сил».**

Вооруженные Силы вступили в летний период боевой учебы, который имеет большое значение в дальнейшем совершенствовании боеспособности Вооруженных Сил, повышении боевой готовности частей и подразделений. Именно в этот период решается судьба напряженных планов и программ боевой и политической подготовки, принятых обязательств, установок Верховного Главнокомандующего, изложенных в Обращении, а значит – качества боевой выучки личного состава, совершенствования профессионального мастерства военнослужащих, повышения бдительности и боевой готовности всех видов и родов войск Вооруженных Сил.

Поэтому сегодня особенно важно обратить внимание военных кадров и всего личного состава на два очень важных и взаимосвязанных аспекта.

Первый аспект. Он связан с боевой подготовкой военнослужащих. Известно, что **военная служба в Вооруженных Силах Республики Узбекистан,** базирующаяся на новейшем оружии и боевой техники, современных тренажерах, передовом полигоном оборудовании, новейших технических средствах обучения, компьютерных и информационных технологиях, **дает возможность военнослужащим в кратчайшие сроки овладевать высотами воинского мастерства, становиться подлинными профессионалами.** Она формирует человека – гражданина с глубокими политическими знаниями, прочными нравственными устоями и широким культурным кругозором. Важная роль в этом принадлежит боевой подготовке. В чем это проявляется?

Боевая подготовка – это прежде всего учебные занятия, тренировки в учебном классе, на тренажерах, на занятиях в поле, на полигоне, это тактические занятия и учения. Особая роль в этом процессе принадлежит тактическим занятиям и учениям.

Боевая учеба – процесс двусторонний. Ее эффективность и качество зависят как от руководителя, так и от подчиненных. Многолетней практикой доказано, что эффективность занятия возрастает, если офицер или сержант, как руководитель занятия, не сковывает инициативу подчиненных, а наоборот, всячески поддерживает их творческую мысль, создает для этого благоприятные условия.

Что должно отличать работу офицера, сержанта на тактическом занятии?

Прежде всего – это высокий уровень профессионализма и не менее – высокий уровень методического мастерства. И, как следствие этого, – творчество, инициатива, зрелость тактической мысли, не привязанность к схеме, к ранее разработанному сценарию, а именно творчество в самом широком понимании этого слова и умение прислушиваться к мнению, мысли подчиненного.

Кто-то может спросить: а что это дает? Ни много ни мало – это создает в коллективе атмосферу для инициативных действий военнослужащих в любых, даже самых сложных условиях тактической обстановки, укрепляет в сознании воина мысль, что каждый из них – личность, к голосу которого прислушиваются. А это сплачивает, цементирует воинский коллектив, повышает его боеспособность.

Задача офицера, сержанта, как руководителя занятия, научиться создавать на занятии по-настоящему динамичную, близкую к реальной, насыщенную неожиданными вводными обстановку, в которой бы у каждого военнослужащего не только закреплялись полученные знания и навыки, но и формировались устойчивые морально-боевые и психологические качества. Огромную роль здесь играет известный нам принцип «Делай, как я!».

Именно принцип «Делай, как я!» воспламеняет в душе солдата первую искру верности командиру, воинскому долгу и Военной присяге, побуждает воина, не жалея сил, овладевать военным делом в совершенстве, быть верным матери-Родине, народу и Президенту.

Не спорю и не отрицаю, бывает и так, что планом занятия или тактического учения расписаны действия как той, так и другой стороны. Заранее известно, кто выйдет победителем в этом учебном бою. Но и тем, кто разрабатывает планы и кто их осуществляет, надо всегда помнить, что **бой – это борьба умов, и в этой борьбе одерживает верх тот, у кого больше тактического мастерства, больше творчества и инициативы.** И задача командира – руководителя занятия – дать верный алгоритм действий каждого военнослужащего в реальной обстановке, максимально приближенной к реальной боевой действительности. Именно этому должно быть подчинено и планирование, и организация, и ведение учебного боя.

Все это говорит о высокой роли и ответственности офицера, сержанта, как руководителя занятия. Но не меньшая роль отводится солдату. Он должен всегда помнить и следовать в своей повседневной жизни определенным нормам поведения. Чтобы жить полнокровной жизнью, добросовестно выполнять возложенные на тебя обязанности, надо каждый день, по сути, совершать воинский подвиг – выкладываться на тренировках, глубоко усваивать все, чему тебя учат командиры, беспрекословно и точно выполнять требования командиров и начальников, постоянно брать намеченные на каждый день рубежи. Без этого не будет продвижения вперед. Боевая учеба не терпит застоя, длительных и необоснованных передышек. Тут должен быть только один закон: **каждый день должен отмечаться ростом профессионализма, боевого мастерства.** И каждодневно военнослужащий должен укреплять, совершенствовать свои морально-боевые и психологические качества, учиться искусству побеждать.

Второй аспект. Он связан с воспитанием. И это естественно, потому что обучение и воспитание – это единый неразрывный процесс. И если мы говорим о высоком профессионализме и компетентности командира, как о знатоке военного дела, то нельзя забывать, что и в воспитательной работе он должен быть идейно подготовленным, в совершенстве владеющим педагогическими и психологическими основами, и в тоже время он должен быть творческим, ищущим человеком, беспредельно преданным воинскому долгу и своей независимой Родине.

Жизнь и войсковая практика многократно доказывают, что **высот педагогического, просветительского мастерства, умения убеждать людей достигает тот офицер или сержант, который целеустремленно, постоянно работает над собой, совершенствует себя как личность.** Еще и



еще раз подчеркнем, что главным оружием воспитателя, офицера или сержанта должен быть личный пример и прежде всего нравственный, а также убеждение, сопереживание, умение передавать свои знания другим, коммуникабельность, доступность людям и постоянная забота о них. То есть все то, что в полной мере соответствует этапу углубления наших реформ и дальнейшему совершенствованию Вооруженных Сил.

В связи с этим подчеркнем, что в воспитательной работе ни в коем случае нельзя допускать разрыва между словом и делом. Убеждение должно дополняться и подкрепляться силой аргументов и фактов из нашей общественной жизни и политики государства. Ни один вопрос для воина не должен оставаться неясным. Потому что вопросы, оставленные без ответа или несвоевременная информация, подталкивают, особенно незрелых людей, к сомнительным источникам информации.

Еще на один важный момент следует обратить внимание наших воспитателей. Если наше государство поставило в центр социальной жизни общества интересы человека, то и армия, как часть общества, тоже **в центр своего внимания, и в центр воспитания должна поставить человека, интересы личности.** Все, что сделано за годы военной реформы в техническом, материальном обеспечении, социальной защите военнослужащих, повышении престижа военной службы – все это в полной мере отвечает интересам человека в военной форме одежды. Но мы не стоим на месте, идем дальше, и процесс реформирования углубляется. И поскольку армия обучает, армия воспитывает, углубляется процесс формирования личности военнослужащего, то все это настоятельно **требует дальнейшей гуманизации процесса обучения и воспитания.** А значит – глубокого понимания сущности интересов и потребностей личности воина, хорошего знания его сильных и слабых сторон, умения формировать у военнослужащего положительные качества и изживать отрицательные.

Гуманизация процесса обучения и воспитания в ходе боевой и политической подготовки, воспитательной работы – **это своего рода очеловечивание знаний** через одухотворенность преподавания, высокий эмоциональный настрой, через научную простоту и доступность, как это сделал глава нашего государства в своей книге «Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана», через возвышенные чувства, показ лучшего, через убеждение. Успехи у нас громадные, их надо только умело показать и вызвать в душах военнослужащих ответный отклик.

Когда мы читаем в Обращении главы государства, что **«дальнейшего совершенствования требует морально-психологическая, политическая подготовка военнослужащих»,** то должны отдавать себе отчет в том, что это далеко не абстрактное положение. И начинаться оно должно с боевой учебы и общественно-политической подготовки, повышения их качества, эффективности, действенности, как важнейших слагаемых формирования у военнослужащих высоких духовных, морально-нравственных качеств, активной жизненной позиции и патриотизма, чувства ответственности за судьбу Родины, укрепление ее независимости и безопасности.

А творцами этого высокого программного результата выступают офицеры, сержанты и солдаты. Да, я не оговорился, и солдаты. Если офицер и сержант – главные действующие лица процесса обучения и воспитания, то солдат, как и любой военнослужащий, – главное действующее лицо военной реформы. Что как раз и говорит о том, что нужен решительный поворот к солдату, к личности военнослужащего, что, естественно, требует углубления гуманизации процесса обучения и воспитания.

Что это значит на деле? Обращение главы государства поставило перед военными кадрами ряд важнейших проблем, высветило новые вопросы в военном строительстве, новые подходы к проблемам военного искусства, способам и формам вооруженной борьбы. Все это требует от военных кадров новых подходов, творчества, введения соответствующих коррективов в учебно-воспитательный процесс и прежде всего **актуализации тематики и содержания проводимых мероприятий** за счет новых данных, особенностей военно-политической обстановки, наличия угроз и вызовов нашей безопасности, а также за счет показа огромных успехов республики в условиях мирового кризиса. То есть, учитывая своеобразие переживаемого нами периода и обстановки в мире и регионе, мы должны придать каждому занятию или иному мероприятию то своеобразие, которое сделает его актуальным, интересным, познавательным и которое оставит в душах слушателей неизгладимое впечатление, положит еще один прочный кирпичик в идейный фундамент и мировоззрение военнослужащего. Дело это не простое, оно требует от воспитателя напряжения своих сил, глубоких знаний, творчества и ювелирного мастерства.

Для решения задач, поставленных Президентом страны, Верховным Главнокомандующим Вооруженными Силами в Обращении, у нас есть все необходимое. И прежде всего – труды главы государства, идеология национальной независимости, наследие великих предков и наши огромные, реальные успехи на путях строительства правового, демократического государства, сильного гражданского общества. У нас – великая, свободная, независимая страна, беречь которую, как зеницу ока, – наш долг и святая обязанность.

Анфим ХЛЫЗОВ.

ИЛҒОРЛАР

Мустақилликнинг 18 йиллигига

ИСТИҚЛОЛГА ПОСБОН, ЮРТГА ҚАЛҚОНМИЗ!

Ҳадемай истиқлолимизнинг 18 йиллик муборак тўйини нишонлаймиз. Ўтган давр Қуролли Кучларимиз тизимида, ҳар бир ҳарбий қисм ва муассаса ҳаётида катта из қолдирганига, ислоҳотлар жараёнида янгиланишларга юз тутганига шубҳа йўқ. Биз ташриф буюрган ҳарбий қисм ҳам худди шундай.









Шахсий таркибнинг муваффақиятларга эришиши, ҳарбий қисм жанговар шайлиги юксалиши замирида посбонларнинг ислоҳотлар мазмун-моҳиятини чуқур англаши ётади. Шу сабабли, мана икки йилдирки, якуний синов натижасига кўра кўчма кубокка эгалик қилиб келаётган илғор қисм ҳақидаги мақоламизни аълочи етакчилар ҳақидаги лавҳадан бошлашга қарор қилдик.

ЮРАГИДА ОЛОВИ БОР, ЙИГИТНИНГ

Мен офицер Азадбек Девонов билан хизмат сафари давомида аввал ҳам икки-уч бора суҳбатда бўлгандим. Ғайратли, ўз соҳасининг билимдони, шижоатли бу йигит ҳақида мақола тайёрлашни ният қилган эдим, ўшанда. Мана, орадан маълум фурсат ўтиб, «Жасорат» медали соҳиби бўлган офицер билан яна учрашдим.

Азадбек Хоразм ўғлони. Халқ қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди туғилган замин фарзанди бўлишдек фахр уни жасоратга чорлаб турса, ажабмас.

Суҳбатимиз аввалидаёқ унинг Ўзбекистон халқ артисти Санъат Девоновнинг набираси эканлигидан воқиф бўлдим. Қарангки, улуғ санъаткор авлоди халқ тинчлиги, мамлакат истиқлолини асрашдек масъулиятли вазифага бел боғлаган. Айтмоқчимизки, таниқли актёрнинг ўғли Улуғбек Девонов ҳам узоқ йиллар ички ишлар тизимида фаолият юритиб, юрт осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшган. Урганч давлат университетининг жисмоний тарбия факультетини битирган Азадбек ҳам юрт қўришни касб қилди, эгнига ҳарбий либос кийди. Хизмати давомида Қуролли Кучлар Академияси қошидаги олий курсда таҳсил олиб, тажрибали офицерлар сафидан жой эгаллади. Шунингдек, қўл жанги бўйича спорт устаси бўлган қаҳрамонимиз бир қатор халқаро мусобақаларда қатнашиб, ғолиб, совриндор бўлиб келмоқда.

Малакали офицернинг хизматда эришган ютуқлари ҳақида узоқ тўхталиш мумкин. У 2004 йилда «Энг илғор мутахассис» танловида «Энг илғор взвод командири» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритгани ҳам фикримиз далилидир. Яқинда эса офицер Азадбек Девонов Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра «Жасорат» медали билан тақдирланди. Албатта, бу юксак мукофотга у фидойи хизмати, билими, заковати, тажрибаси ила эришганига шубҳа йўқ.

– Инсон танлаган касбини севса, халқи, Ватани манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйсагина, фидойи бўла олади, – дейди тажрибали офицер шу ҳақда сўз кетар экан. – Шу билан бирга ҳар қандай касб эгасининг шаклланишида, соҳада ўрин топишида устозларнинг ўрни беқиёс. Менинг биринчи устозим отам бўлса, хизмат жараёнида тажрибали офицерлар Евгений Чибатару, Муҳаммад Карабаевлардан соҳа сирларини эгалладим. Олдимга қўйган мақсадим эса битта – азиз Ватанимга содиқ фарзанд, унинг тинчлиги ва истиқлолига муносиб қалқон бўлиш.

ЖАНГОВАР ШАЙЛИКДА ЕТАКЧИ

Мақоламиз муқаддимасида биз ташриф буюрган ҳарбий қисмнинг икки йилдан буён илғорликни қўлдан бермай келаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Якуний синовлар натижасига кўра биринчи ўринни қўлга киритиб, кўчма кубокка эгалик қилиб турган шахсий таркиб фаолияти билан танишувни назарий машғулотлардан бошладик.

Сир эмаски, машғулотларнинг намунали ўтишида кўргазмали қуроллар катта ўрин тутади. Шу маънода ҳарбий қисмдаги машғулот хоналари турли йўналишлар бўйича кўргазмали қуроллар билан тўлиқ таъминлангани эътиборимизни тортди. Аввало, узун йўлакнинг икки ёнига ўрнатилган лавҳаларга эътибор бераман. Юртбошимизнинг байрам табриги, Президентимиз қарорлари, жанговар тайёргарлик жараёнини акс эттирувчи фотосуратлар, миллий қадриятларимиз, давлатимиз тарихи ҳамда аскарлар ҳаёти акс этган лавҳалар, «Ҳуқуқий билимлар бурчаги», «Маҳоратни шакллантириш омиллари» деб номланган кўргазма, «Ватанпарвар» деворий газетаси, Қуролли Кучлар спортидан лавҳалар каби турли мавзудаги тарғибот воситалари билан танишув давомида ҳам посбонлар кўп нарсани ўзлаштиришлари мумкин.

– Шахсий таркибнинг амалий машғулотлар, якуний синов машғулотларида етакчиликка эришишида шубҳасизки, назарий тайёргарликларнинг ўрни катта, – дейди офицер Обиджон Исақов. – Шу сабабли ҳарбий қисмимизда назарий машғулотларнинг намунали даражада ўтказилишига катта эътибор қаратилади. Қисмнинг жанговар шайлик бўйича биринчи ўринни эгаллашида барча йўналишда, яъни ҳарбий интизом, жанговар шайлик, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, ўқ отиш, тактик тайёргарлик каби ҳарбий санъат сирларини мукаммал ўзлаштирган малакали офицерлар, сержант ва аскарларнинг ўрни, хизмати каттадир.

Илғорлар ҳақида сўз кетганда, офицерлар – Расул Собиров, Рустам Абдураҳмонов, Элмурод Еримбетов, Миножиддин Шерматов, сержантлар – Бахтиёр Турсунов, Фахриддин Сайфиев, Одил Ражабов, кичик сержантлар – Истам Жумаев, Зоҳир Тугёнов, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, оддий аскарлар – Фахриддин Вафоев, Фарҳод Ҳамидов, Нодир Холиқов, Илёс Оқбоевларнинг номларини келтириб ўтишни истардим. Шубҳасизки, шахсий таркиб олдида турган асосий масала жанговар шайлик борасида эгаллаган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, янги-янги марраларни қўлга киритиш.

СОҒЛОМ ТАНДА – СОҒЛОМ ҲАРАКАТ

Ҳарбий хизматчиларни жисмоний тайёргарликсиз тасаввур этиш қийин. Улар сафида спорт усталари, нуфузли мусобақалар ғолиблари кўпчиликни ташкил этиши бежиз эмас. Шу сабабли қайси бир ҳарбий қисмда бўлмайлик, замонавий жиҳозланган спорт зали, майдончаларига дуч келамиз. Илғор ҳарбий жамоада эса бу йўналишга янада кенг эътибор қаратилган. Қувонарлиси, ҳарбий қисм нафақат жанговар шайликда, балки жисмоний тайёргарлик, спорт мусобақаларида ҳам етакчи экан. Бу ҳақда сўз кетганда, Қуролли Кучларимизнинг 17 йиллиги муносабати билан Президент Фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирланган шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Фарҳод Ҳамидовнинг номини биринчи бўлиб тилга олишди. Спорт устаси бўлган бу ўғлон қўл жанги бўйича 2008 йилда Қуролли Кучлар миқёсида биринчи ўринни, жорий йил май ойида Бухоро шаҳрида ўтказилган мусобақада ҳам биринчи ўринни қўлга киритганлигини фахр ила таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, сержант Ойбек Зоиров, кичик сержант Улуғбек Халилов, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Жўрабек Эргашевларнинг қўл жанги ва волейбол мусобақаларида етакчи ўринларни қўлга киритиб келаётгани эътиборимизни тортди. Ҳарбий қисм терма жамоаси волейбол мусобақасида қўшин миқёсида биринчи ўринни қўлга киритгани эса янада қувончли ҳолдир. Шу билан бирга жисмоний тайёргарлик бу доимий равишда шуғулланиш, чиниқиш, демакдир. Бунинг учун ҳарбий қисмда барча қулайликларга, замонавий спорт анжомларига эга спорт майдончаси шахсий таркиб ихтиёрида.

КУТУБХОНА – НУРХОНА

Ихчамгина, шинам ва қулайликларга эга ҳарбий қисм кутубхонаси посбонларнинг севимли гўшаси. Ширин сўз ва хушмуомала кутубхона мудираси Нилуфар Бозорованинг иш услуби билан танишиб, унинг малакали мутахассис эканлигини англадик. Зиё масканида ҳар бир нарсага эътибор билан ёндашилган. Яъни, китобларнинг жойлашуви, Президент асарлари, буюк сиймоларга бағишлаб ташкил этилган кўргазма, юртимиздаги кўҳна шаҳарлар, миллий анъаналар ва урф-одатлар, давлат мукофотлари ва рамзлари, мамлакатимиз маъмурий-ҳудудий тузилиши, хуллас, посбонлар учун зарур бўлган кўплаб маълумотлар ҳозирланган. Кутубхонадаги «Кутубхона – нурхона» деворий газетасида эса ўтказиладиган тадбирлар ва давра суҳбатларининг эълонлари, байрамлар ҳақида маълумотлар бериб борилишини билдик.

– Китобга чанқоқ посбонларимиз кўпчиликни ташкил этади, – дейди Нилуфар биз билан суҳбатда. – Кутубхонамизда бадиий адабиётлардан ташқари ҳуқуқий адабиётлар, олий ўқув юртларига кирувчилар учун қўлланмалар, ижтимоий-сиёсий адабиётлар, ўқув қўлланмалари мавжуд. Ўқувчиларимиз талаб қилган китобларни етказиб бериш, турли йўналишдаги маданий-маърифий тадбирларни ҳамкорликда ўтказиш учун ахборот кутубхона маркази ҳамда «Камолот» ЁИҲнинг вилоят бўлимлари билан яқин алоқа ўрнатганмиз.

Офицерлар – Шерали Ўтаев, Расул Собиров, Анвар Тойлоқов, сержант Илҳом Ўринов, кичик сержантлар – Сайид Арабов, Ўктам Жумаевларни талабчан ўқувчиларимиздан, десам арзийди. Давлат миқёсидаги ҳар битта байрам, улуғ сиймоларнинг таваллуд кунлари муносабати билан кутубхонамизда доимий равишда маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб борамиз.

Кутубхона билан яқиндан танишув жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, посбонлар бу гўшага доимо интилиб туришади.

Қисм ҳаёти билан танишув давомида посбонларнинг дам олиш соатларига ҳам катта эътибор қаратилганига гувоҳ бўлдик.

Ўйлаймизки, ёвқур йигитлардан иборат ҳарбий қисм шахсий таркиби яна кўплаб муваффақиятларни қўлга киритаверишади.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

МАЛАКА

Дала-ўқув машғулотларида

УЮШҚОҚЛИК ВА ЖИПСЛИК – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Айни дамларда барча қисм ва бўлинмаларда янги ўқув йили машғулотлари кўтаринки руҳда давом этиб, ҳарбий хизматчилар билим ва маҳоратда янгидан-янги чўққиларни забт этишмоқда. Айниқса, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар учун бу каби дала машғулотлари катта аҳамият касб этади.

...Тонг. Офицер Санжар Хожиалиев етакчилигидаги взвод шахсий таркиби режага биноан полигон томон ҳаракатланмоқда. Гуруҳ командирлари ўзларига берилган йўналиш бўйича ҳаракат қилишиб, ҳар бир посбоннинг вазифасига кўра бажараётган ҳаракатини кузатиб, уларнинг камчиликларини вақтида тузатиб боришмоқда. Албатта, назарий жиҳатдан қанчалик билимга эга бўлишмасин, аммо амалий машғулотлар посбонларнинг маҳорати ва тажрибаси юксалишида муҳим омил ҳисобланади. Буни яхши англаган командирлар дала машғулотларига асосий эътиборни қаратишиб, қўл остидагиларнинг имкон қадар кўпроқ билимга эга бўлишларини таъминлашга интилишмоқда.

Белгиланган вақт ичида взвод шахсий таркиби полигонга етиб келишиб, аввало жанговар позицияларни ташкиллаштиришиб, гуруҳ хавфсизлигини таъминлашди. Офицер Хожиалиев гуруҳ командирлари ва ўринбосарларини йиғиб, олдиларида турган вазифа бўйича қисқача тушунтириб, гуруҳларга кўрсатма берди.

– Дала машғулотларимиз янги ўқув йили режасига асосан ўтказилмоқда, – дейди офицер Хожиалиев. – Асосий эътиборни посбонларнинг гуруҳ таркибида вазифани бажаришдаги ҳаракатларига қаратганмиз. Бунда аввало, гуруҳ шахсий таркиби ўртасида уюшқоқлик ва жипслик, ўзаро ҳурмат ва жанг вақтида бир-бирини тушуниш каби туйғулар юксалади. Машғулотлар сўнгида илғор гуруҳ ва ҳарбий хизматчилар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилади. Умумий қилиб айтганда, ҳар бир посбоннинг соҳаси бўйича билим ва маҳоратини синовдан ўтказиш, тажрибаларини янада юксалтириш асосий мақсадимиз ҳисобланади.

...Сержант Акбар Мусурмонқулов етакчилигидаги гуруҳ посбонлари взвод командиридан топшириқ олишиб, белгиланган йўналиш бўйича тунда ҳаракат қилишди. Уларнинг вазифаси шартли душман йўлида пистирма ташкиллаштиришдан иборат. Ҳудудга етиб келган посбонлар жанговар позицияларни эгаллашиб, маскировкага эътибор қаратишди. Гуруҳ командири мерганлар кичик сержантлар Ориф Умаров ва Жасур Маҳаммадиевларни шартли душман ҳақида ахборот тўплаш учун жўнатди. Алоқачи оддий аскар Машҳур Болтабоев алоқага чиқиб, гуруҳ белгиланган жойга талафотсиз етиб келгани ва жанговар вазифани бажришга шай эканлиги тўғрисида ахборот берди.

Бу вақтда эса кичик сержантлар Илҳом Мирзаев ва Нуриддин Мирзабоевлар етакчилигидаги гуруҳ шахсий таркиби ҳужумни ташкиллаштириш бўйича тайёргарлик ишларини олиб боришди. Посбонлар йўлга чиқишдан аввал сафар қоплари ва қурол-аслаҳаларини, тунги ва кундузги кузатув асбобларини яна бир бор текширишиб, вазифани бажаришга шай эканликлари ҳақида командирга ахборот беришди.

Сержант Мурод Сапаков қўл остидаги посбонлар гуруҳнинг мудофаадаги ҳаракати бўйича билим ва маҳоратларини намоён қилишга тайёргарлик кўришди. Тайёргарликдан сўнг, ҳар бир посбоннинг вазифаси инобатга олинган ҳолда, жанговар позицияларни тезда эгаллаш, маскировкага эътибор қаратиш, жанг вақтида бир-бирини қўллаб-қувватлаш, нишонга отиш каби машқлар бажарилди.

Тун қоронғуси чекинган бир вақтда мерганлар шартли душман ҳақида етарли ахборот тўплашиб, командирга уларнинг сони, қурол-аслаҳаси, йўналиш ҳаракати тўғрисида хабар беришди. Сержант Мусурмонқулов пистирмада турган посбонларга яна бир бор вазият ҳақида маълумот бериб, уларни жипсликда ҳаракат қилишга руҳлантирди. Асосий жанговар позицияни пулемётчилар оддий аскарлар Феруз Болтаев ва Қонасбай Қипшақбаевлар эгаллашди. Уларга ўқчилар оддий аскарлар Жаҳонгир Рашидхонов, Нуъмон Мирзаев, Хайрулло Чориев, Исмоил Мухторов, грантомётчи кичик сержант Илҳом Раҳмонқуловлар шартли душманни яксон қилишда катта ёрдам беришди. Вазифанинг муваффақиятли бажарилишида гуруҳ командири сержант Мусурмонқуловнинг кўп йиллик тажрибаси ва маҳорати, мерганларнинг соҳасининг профессионали эканликлари, энг асосийси гуруҳдаги уюшқоқлик ва ишончли ҳаракат муҳим омил бўлди.

Кичик сержантлар Мирзаев ва Мирзабоевлар етакчилигидаги посбонлар ҳам олдиларига қўйилган вазифани аниқ ва вақтида бажаришиб, гуруҳнинг ҳужумдаги ҳаракатини улкан маҳорат ила уддалашди.

Тактик машғулотлардан сўнг, взвод шахсий таркиби нишонга отиш, алоқа, тоғ ва жисмоний тайёргарликлар бўйича синовлардан ўтишди. Шунингдек, гуруҳ командирининг ўринбосарлари жанговар техникани бошқариш бўйича ҳам маҳоратларини намоён қилишди.

Якуний натижаларга кўра, Сержант А.Мусурмонқулов етакчилигидаги гуруҳ «Энг илғор гуруҳ» дея эътироф этилди. Шу билан бирга кичик сержантлар – Фарҳод Мусаев, Фарҳод Абдураимов, Дилмурод Тожиев, Мурод Турғунов, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Муҳаммадсалим Тўхташев, оддий аскарлар – Дилбек Тожиев, Санжар Номозбоев, Йўлчи Худоёров, Истам Анданиёзов, Дониёр Алимитов, Акмал Орзиқулов, Соҳиб Нурметовлар илғор посбонлар сафидан жой олишди.

Хулоса қилиб айтганда, посбонларнинг дала машғулотларидаги ҳаракатлари, қўйилган вазифани бажаришга бўлган иштиёқлари, билим ва маҳоратлари қисм қўмондонлиги томонидан юқори баҳоланди. Ишончимиз комилки, жанговар шайликка эътибор қаратиб, кундан-кунга тажрибаларини ошириб бораётган, янги билимларни, замонавий техникани бошқариш ва қурол-аслоҳадан фойдаланишни юксак савияда уддалаётган шундай мард ва жасур юрт ҳимоячилари бор экан, Ватанимиз осойишталиги, истиқлолимиз абадийлиги ишончли қўлларда дея, баралла айта оламиз.

Аҳрор НОЗИМОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.









БИЛИМ, МАҲОРАТ ШАКЛЛАНАР БУНДА

...Нишонга ўқ отиш майдончаси. Янги ўқув йили режасига асосан взвод шахсий таркиби дала машғулотини ўтказмоқда.

Шахсий таркиб отиш майдончасигача бўлган масофада тактик машғулотларни бажариб, қидирув, жанговар позияни эгаллаш, маскировка, ҳужум, чекиниш бўйича яна бир бор билимларини синовдан ўтказишди. Белгиланган жойга етиб келишгандан сўнг, барча ўқув нуқталарида машғулотлар бошланиб кетди. Отиш тайёргарлигида асосий эътибор муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларга қаратилди.

– Аскарларимиз бунга қадар ҳам бир неча бор нишонга отиш машқларини бажаришган, – дейди взвод командири офицер Дониёр Эрматов. – Улар билан малакали офицер ва сержантлар назарий ва амалий машғулотларни кўргазмали қуроллар асосида олиб боришган. Машқдан-машққа посбонларнинг маҳорати ошиб, натижалар ҳам яхшиланиб бораяпти.

Биринчи ўқув нуқтасида қуролни қисмларга ажратиш ва йиғиш машқи ўтказилаяпти. Бу машқ аскарнинг жанг вақтида қурол билан ишлаш маҳоратини оширади. Қуролнинг ишлаши, тузилиши ва механизмларини яхши билган аскарнинг нишонга аниқ отиш имконияти юқори бўлади.

– Мазкур машқни бажаришда дастлаб бироз қийинчилик бўлди, – дейди оддий аскар Нурбек Жонмуродов. – Аммо ҳозирда маҳорат тажриба анчайин ортди. Ўзимга бириктирилган қурол механизмлари ишлаш тартибини яхши биламан. Қуролимни машғулотдан сўнг тозалаб, асраб-авайлашим, жанговар вазифани сифатли бажаришимда муҳим бўлмоқда.

Навбатдаги ўқув нуқтасида техника хавфсизлик қоидалари бўйича машғулот олиб борилмоқда. Унда кичик сержант Хайрулло Жўрақулов аскарларга қурол билан «муомала» қилиш, ундан тўғри фойдаланиш, нишонга отиш вақтидаги хавфсизлик қоидалари, қуролни ҳаракатланаётган жисм ва одамларга қаратмаслик, ўқ-доридан эҳтиёткорона фойдаланиш кабилар ҳақида тушунча бермоқда.

Учинчи ўқув жойида аскарлар жанговар позицияни эгаллаш, тик, ўтирган ва ётган ҳамда ҳаракатланган ҳолда нишонга отиш вақтидаги аскарнинг ҳолати, қуролни ўқлаш ва ўқсизлантириш қоидалари бўйича билимларини бойитишмоқда.

Сўнгги ўқув нуқтасида эса посбонлар нишонга ўқ отиш машқини бажариб, мерганлик бобида ўз билимларини намоён қилишяпти.

– Мен армиянинг ҳаёт мактаби эканлигига хизматга келиб, янада амин бўлдим, – дейди оддий аскар Нуриддин Холмуродов. – Хизматга иштиёқ билан келганман. Миллий армиямизнинг посбони, уни содиқ ҳимоячиси, деган шарафли номга сазовор бўлдим. Машғулот давомида командирларимдан кўплаб сабоқлар оляпман. Янги ўқув йили машғулотларида фаол қатнашиб мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллигига муносиб туҳфа ҳозирламоқчимиз.

Оддий аскарлар – Акмал Абдуҳакимов, Ойбек Абдураҳмонов, Жавлон Қорабев, Собир Хушвақтов, Жавлон Ҳакимовлар машқларни аъло баҳога бажаришиб, сафдошларига ўрнак бўлишди.

Ҳа, юртимнинг мана шундай мард ва жасур, маҳоратли посбонлари бор экан, тинчлигимиз ва осойишталигимиз барқарор бўлажак.

Фирдавс АҲРОР.

ТАЪЛИМ

В Академии Вооруженных Сил

В ДЕЛОВОЙ ОБСТАНОВКЕ

Завершились два года напряженной учебы в стенах первой в Центральной Азии Академии Вооруженных Сил, и выпускникам этого года осталось преодолеть важнейший рубеж – сдать Государственные экзамены.

– На сегодняшний день наша группа сдала экзамен по общевойсковым уставам и руководящим документам, – рассказывает слушатель выпускного курса подполковник Шукуржон Жураев. – Среди отличившихся майоры Ш. Халмухамедов, О. Шаимов, С. Саидибрагимов и А. Мамаджанов. Подготовка к следующим Государственным экзаменам идет в установленном порядке.

В соседней аудитории идет сдача Государственного экзамена по предмету: «Идея национальной независимости: основные понятия и принципы».

– И этот Государственный экзамен большинство наших слушателей сдает на отлично и хорошо, – говорит только что завершивший отвечать на вопросы членов комиссии майор Джахонгир Хаитов. – Большое спасибо преподавателям, особенно кандидату философских наук майору Б. Нематову и кандидату политических наук подполковнику А. Амбарцумяну. Их творческий подход к преподаванию предмета, умелое увязывание теоретических положений с реальной жизнью войск, справедливая оценка знаний и индивидуальных возможностей каждого слушателя очень помогли нам в понимании пройденных тем.

Впереди у выпускников сдача экзамена по оперативно-тактической подготовке и защита дипломной работы. В деловой и творческой атмосфере завершается шлифовка ключевых абзацев докладов и оформление карт, схем, чертежей и рисунков. Сегодня в подготовке дипломных работ слушателям хорошо помогают компьютерные классы и отличная учебная база Академии. На последнем этапе учебы выпускники особенно внимательны и сосредоточены. Все, что они сегодня готовят к Государственным экзаменам очень пригодится потом, при работе в войсках.

– Подготовка к Государственным экзаменам и их сдача проходят целенаправленно и организованно, – говорит о первых итогах экзаменов начальник учебной части Академии Вооруженных Сил, секретарь Государственной комиссии подполковник С. Карслиев. – Настроение у слушателей боевое. Все они готовятся к очередному экзамену добросовестно, стараются, переживают, стремятся отличиться, проявляют большую активность в обсуждении каждого вопроса по предметам обучения. Профессорско-преподавательский состав своевременно проводит консультации, на которых разъясняет все непонятные или представляющие трудности вопросы.

Деловая атмосфера сдачи Государственных экзаменов показывает, что выпускники Академии хорошо осознают значение полученных знаний, а также свое дальнейшее место и роль в развитии и совершенствовании военной реформы в Вооруженных Силах.



ЮРТНИ АСРАГАЙЛАР МАРДОНА

Қуролли Кучларимиз сафларининг малакали мутахассислар, юксак билим ва салоҳиятга эга офицерлар билан бутланишида олий ҳарбий билим юртларининг аҳамияти катта.

Ҳозирда барча олий ҳарбий билим юртларида битирувчи курс курсантлари давлат имтиҳонларини топшириб бўлишди. Табиийки, қайд этилган натижалар курсантларнинг ўтган вақт мобайнида олган билимлари, устоз офицерлар томонидан берилган сабоқларни қай даражада ўзлаштирганликларини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Жиззах олий ҳарбий билим юртида ҳам битирув имтиҳонлари уюшқоқлик билан ташкил этилди. Курсантлар жисмоний тайёргарлик ҳамда Умумҳарбий низомлар бўйича, шунингдек, ҳарбий ҳаво кучлари тактикаси, ҳарбий авиация техникаси, тарбиявий ишлар услубияти, авиация муҳандислик таъминоти бўйича синовларни топширишди. Битирувчи курс курсантларидаги иштиёқ, интилишни кўриб, олий ҳарбий билим юртида таҳсил олиш мобайнида устозлардан соҳа сир-асрорларини қанчалар пухта ўзлаштиришганига, зарур билим ва кўникмаларга эга бўлишганига амин бўласан, киши. Улар тимсолида миллий армиямизнинг салоҳиятини, Қуролли Кучларимиз жанговар шайлигини оширадиган, тинчлигимизнинг том маънодаги посбонлари бўла оладиган профессионаллар – шарафли касб эгалари гавдаланади.

– Ўтган давр мобайнида малакали мутахассислар ва устоз офицерлардан соҳага оид кўплаб билимларни ўргандик, – дейди курсант Рустам Рахматулин. – Ҳарб илмининг сирларини мукаммал ўзлаштиришимизда ўқитувчи офицерлар Ражаббой Шакиров, Таваккал Юсупалиев, Николай Енисеев, Нурулло Муродов, амалий машғулотларда офицерлар Равшан Эргашев, Олим Қултоев, Шукрулло Азимовларнинг хизматлари катта бўлди. Уларнинг кўп йиллик тажрибаларидан баҳраманд бўлганимиздан ниҳоятда бахтиёрман.

– Мана, навбатдаги ўқув йилини ҳам ниҳоялаяпмиз, – дейди курсант Шуҳрат Толипов. – Бу кўнглимизга қувонч бағишлаши билан бир қаторда бизни ҳаяжонга ҳам солаётир. Бизга шунча йил сабоқ берган, билимларини аямаган устозларни, ҳаётимизнинг энг жўшқин паллаларига гувоҳ бўлган билим юртимизни тарк этиш осон эмас, албатта. Ўйлайманки, олган назарий билимлар ва амалий кўникмалардан унумли фойдаланган ҳолда жонажон юртимизнинг мард, жасур, фидойи посбони бўлиб етишсак, билдирилган ишончни оқласак, устозлар олдида юзимиз ёруғ бўлажак.

– Курсантларнинг имтиҳонлар жараёнидаги фаоллиги таҳсинга лойиқ, – дейди комиссия аъзоси, офицер А. Ярбабаев. – Улар билан суҳбатлашиш асносида юртимизда янги бир авлод – билимли, салоҳиятли, етук Ватан ҳимоячилари етишиб келаётганини англаш мумкин. Имтиҳонлар давомида курсантлар билим юртида мутахассисликлари бўйича чуқур ва пухта билим олганликларини исботлашмоқда. Буни қўлга киритилаётган юксак натижалар ҳам тасдиқлайди.

– Мана, битирувчи курс курсантларимиз давлат имтиҳонларини топшириб бўлишди, – дейди билим юрти кафедра бошлиғи, офицер Ражаббой Шакиров. – Барчалари ушбу масъулиятли довондан муваффақият билан ўтишди. Курсантлардан Жаҳонгир Эргашев, Баҳромжон Юлдашев, Жамол Ҳайдаров, Рустам Рахматулин, Руслан Юлдашев, Шамиль Мавлютов, Ильгиз Тухватулин, Шуҳрат Толиповлар имтиёзли дипломга номзодлар сирасидан. Умид қиламизки, келгусида улар Қуролли Кучларимизнинг моҳир, фидойи, салоҳиятли офицерлари бўлиб етишадилар.

Жамшид НИЁЗОВ,
"Ватанпарвар" мухбири.

ҚАЛБЛАРДА ЎТ, КЎЗЛАРДА ЁЛҚИН

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети битирувчи курс курсантлари ҳам давлат имтиҳонларини топширишди.

Мазкур таълим масканида курсантларнинг ўқиши, изланиши, соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишиши, Умумҳарбий низомлар талабларини чуқур ўзлаштирган, Қуролли Кучларимиз равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган, ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қила оладиган, маҳоратли Ватан ҳимоячилари бўлиб, камол топишлари учун барча шароитлар яратилган.

Курсантлар жисмоний, тактик ва бошқа тайёргарликлар, Умумҳарбий низомлар, шунингдек, мутахассислик фанлари бўйича синовларни топширишди. Улардаги шижоат, иштиёқ зиммаларидаги масъулиятли вазифани муваффақият билан адо этишларини таъминлади, дейиш мумкин. Давлат имтиҳонлари улар учун шу пайтгача олган билим ва кўникмаларни баҳолашда асосий мезон вазифасини ўтади.

– Ҳадемай офицерлик гувоҳномасини қўлга киритиб, жонажон билим юртимиз, қадрдон устозларимиз билан хайрлашамиз, – дейди курсант Бекзод Шералиев. – Олдинда бизни жиддий синовлар, муҳим довонлар кутиб турибди. Аминманки, биз, албатта, миллий армиямизга муносиб бўламиз.

– Давлат имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, устозларимиз ишончини оқлаганимдан хурсандман, – дейди курсант Ҳусан Файзиев. –Чунки айнан улардан соҳага оид билимларни ўзлаштирдик, мутахассислигимиз бўйича тегишли кўникмаларни шакллантирдик.

– Давлат имтиҳонлари мобайнида курсантларнинг бугунги кунда Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, ўзгаришлардан хабардорлиги, Умумҳарбий низомларни пухта ўзлаштирганлиги, соҳага оид меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини билишларига гувоҳ бўлдик, – дейди комиссия аъзоси, офицер Мавлон Юнусов. – Бундан ташқари, битирувчилар мутахассислик фанларини ҳам чуқур ўрганганликлари билан бизда катта таассурот қолдирди. Ўйлайманки, келгусида улар юртимиз мудофаа салоҳиятининг юксаклишига муносиб ҳисса қўша оладилар.

– Мана, Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбияланган, Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган ёш офицерларнинг яна бир авлодини мустақил ҳаётга йўлламоқдамиз, – дейди махсус факультет бошлиғининг ўринбосари, офицер Абдуҳалил Туляганов. – Ишончим комил, улар келгусида ўзларининг билими, матонати билан барчага ўрнак бўлиб, билдирилган ишончни оқлайдилар.

Мансур СОБИРҚУЛОВ.

ТАЪЛИМ

Давлат имтиҳонларида

СИНОВЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ











Маълумки, бир неча кун давомида юртимиздаги олий ҳарбий билим юрти битирувчи курс курсантлари давлат имтиҳонларини кўтаринки руҳда топшириб, устозлардан олган сабоқларини, билим ва маҳоратларини намоён қилишди.

Жумладан, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳам давлат имтиҳонларига қизғин тайёргарлик кўрилиб, курсантларнинг синовлардан муваффақиятли ўтишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди.

– Билим юртимиз битирувчи курс курсантлари ўта масъулиятли онларда бор имкониятлари ила ҳаракат қилишиб, барча фанларни яхши ва аъло баҳоларга топширишга интилишди, – дейди офицер Шуҳрат Абдуллаев. – Якуний натижаларга эътибор қаратсак, аксарият курсантларимиз назарий ва амалий синовлардан муваффақиятли ўтишиб, билим ва маҳоратларини яққол намоён қила билишди ҳамда устозлар ишончини оқлашди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда замон билан ҳамнафас фаолият юритаётган олий ҳарбий билим юртлари олдиларига қўйилган вазифани юксак савияда уддалашиб, Қуролли Кучларимиз сафларига етук офицер кадрларни етказиб беришмоқда. Ўтказилаётган давлат имтиҳонларини кузатар эканмиз, бўлажак офицерлардаги интилиш, ишонч ва қатъийлик, билимга чанқоқлик, мақсад сари ҳаракат қилиш, энг асосийси, улар қалбида Ватанга муҳаббат, касбига бўлган меҳр, истиқлолга муносиб посбон бўлишдек олий туйғуларнинг мужассамлиги юракларда фахр ҳиссини уйғотади.

Курсантлар ҳаво-десант тайёргарлиги, тарбиявий ишлар услубияти, Умумҳарбий низомлар, нишонга отиш, тактика ва жисмоний тайёргарлик, зирҳли танк қуролларининг тузилиши ва ишлаши каби фанлардан имтиҳон топширишиб, назарий ва амалий синовлардан ўтишди.

Автомобилларни сақлаш паркида бўлганимизда, курсантлар техника тайёргарлиги бўйича синов топширишаётган экан. Айниқса, зирҳли техникани бошқариш, ундаги кузатув, алоқа ва отиш асбобларининг тузилиши, ишлатилиши, шунингдек, ҳаво билан таъминлаш, совутиш ва қиздириш, ёқилғи ва мойлаш тизимлари бўйича комиссия аъзолари томонидан қўйилаётган барча талабларни курсантлар юксак даражада бажаришмоқда.

– Бу синовлар курсантларнинг ўқиши давомида қай даражада билимга, маҳоратга эга бўлганликларини кўрсатиб бераяпти, – дейди комиссия аъзоси, офицер Мирзо Зоиров. – Зирҳли техникани бошқариш посбондан катта тажриба ва билимни талаб этади. Имтиҳон давомида курсантларнинг бу вазифани хатосиз ва аниқ, ишонч билан бажаришаётганликлари, юзага келган носозликларни ҳеч қандай муаммосиз, тезда бартараф қила билишлари менда катта таассурот қолдирди.

Бўлажак офицерлар билан суҳбатлашиш мобайнида шунга амин бўлдикки, ҳар бир курсант қалбида она Ватанга муҳаббат, юртга муносиб посбон бўлишдек эзгу мақсад бор.

– Юрт посбони деган шарафли номга сазовор бўлиб, эгнимга ҳарбий либос кийганимдан фахрланаман, – дейди курсант Чингиз Тошбоев. – Биз учун энг масъулиятли дамлар ҳисобланган давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширдик. Ўқишим давомида устозлардан соҳамга оид билимларни пухта эгаллашга ҳаракат қилдим. Шу боис барча фанлардан ўтказилган синовларни аъло баҳога топшириб, имтиёзли дипломга номзодлар сафидан жой олдим. Мақсадим олдимда турган масъулиятли вазифани сидқидилдан бажариб, миллий армиямиз сафларида етук офицер сифатида хизмат қилишдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, курсант Тошбоев ўтган ўқув йилида Қуролли Кучларимизда ўтказилган «Энг илғор танк экипажи» кўрик-танловининг республика босқичида фахрли учинчи ўринга сазовор бўлган эди. Унинг намунали хизмати муносиб баҳоланиб, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи томонидан қўл соати ва Фахрий ёрлиқ билан тақдирланган.

– Давлат имтиҳонлари биз курсантларни нафақат синовдан ўтказди, балки, билим ва маҳоратимизнинг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этди, – дейди Ибрат Машарипов. – Ўқишим мобайнида соҳам бўйича керакли билимларни пухта ўзлаштиришга интилдим. Билим юртида биз курсантлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳам мукаммал билим олишимизга, ўқиб-изланишимизга катта замин яратди. Давлат имтиҳонларини муваффақиятли якунладик. Хизмат мобайнида билим юртида олган назарий билимларимизни амалий машғулотларда янада мустаҳкамлаб, тажриба ва маҳоратимизни ошириб, юртга муносиб посбон бўлишга ҳаракат қиламиз.

Курсант Машарипов битирув малакавий ишида жанговар қуролни такомиллаштириш ғоясини илгари сурди ва бу бўйича изланишлар олиб бориб, ўзига хос ихтиро қилди. Унинг бу иши мутахассислар томонидан муносиб баҳоланиб, бўлажак офицерга катта ишонч билдирилди.

Курсантлар – Феруз Сойибов, Алим Худойқулов, Аброр Ибрагимов, Изим Тожинов, Ойбек Саиджаҳонов, Нодир Мадалиев, Муҳаммадали Қосимов, Мухтор Хонтўраев, Қудрат Камолов кабилар давлат имтиҳонларини аъло баҳоларга топширишиб, имтиёзли дипломга номзодлар сафидан жой олишди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги битирувчилар ўта масъулиятли онларни муваффақиятли якунлашиб, Ватан олдидаги бурчларини бажаришга шайдирлар. Ишончимиз комилки, битирувчи курс курсантлари Қуролли Кучларимиз сафларида самарали хизмат қилишиб, етук офицер сифатида юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз осойишталиги йўлида камарбаста бўлажаклар.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ОИЛА ВАТАН КАБИ МУҚАДДАС

Ҳарбий оилалар билан яқиндан алоқа боғлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, оналик ва болалик муҳофазасига эътибор қаратиш мақсадида 2005 йил Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаларига асос солинди. Бу янгиланишга Республикамиз Президентининг 2004 йил 25 майда эълон қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони дастуриламал бўлди, десак хато бўлмайди. Илгари жамоатчилик асосида иш олиб борган ҳарбий қисм ва муассасалардаги бўлинмаларда иш ўринлари яратилиб, уларнинг вазифалари белгиланди. Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши «Маҳалла» жамғармаси билан тизимдаги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлимларининг ҳамкорликдаги фаолияти тўғрисида Низом ишлаб чиқилди.

Оила — Ватан каби муқаддас. Оила бу жамиятнинг ўзагидир. Унда кечадиган ҳар бир жараён шубҳасизки жамиятга таъсир ўтказмай қолмайди. Шунинг учун давлатимиз томонидан оилаларга кўрсатилаётган катта эътибор ўз эътирофига эга. Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий қисм ва муассасалардаги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари ҳам юксак мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкил этилган, албатта. Холис фикрлайдиган бўлсак, оила билан боғлиқ муаммолар инсон руҳиятига ва унинг ишлаш қобилиятига таъсир этмай қолмайди.

Шу сабабли ҳарбийларимиз оиласидаги ечимини кутаётган масалалар нафақат унинг ички муаммоси, балки кўпчилик кўмаги ва таъсири остида ҳал этилиши лозим бўлган жараёндир. Бўлинмалар олдида турган асосий вазифа ҳам оилаларга маънавий, моддий, руҳий кўмак кўрсатиш ва уларга ҳар томонлама таянч бўлишдан иборат. Жойлардаги бўлинмалар олдиларига қўйилган вазифаларни ҳал этишда давлат идоралари, ҳудудий бошқарув органлари, хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролар йиғинлари таркибидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари, диний-маърифий, маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар билан узвий алоқада иш олиб боришяпти. Ўтган йиллар давомида бўлинмалар ўз мавқеини тиклаб, бир қатор ютуқларни қўлга киритганлигини инкор этиб бўлмайди, албатта. Аввало, ҳарбий оила бекаларининг иш билан таъминланишига катта эътибор қаратилмоқда. Муайян ҳунар эгаси бўлмаган аёллар касбга йўналтириш бўйича тайёрлов курсларига жалб этиб келиняпти.

Ҳарбий хизматчилар ва оилаларининг ижтимоий-маънавий аҳволини, яшаш шароитларини янада яхшилаш билан боғлиқ масалалар миллий армиямиз мудофаа қудратини оширишдаги муҳим омил сифатида қаралмоқда. Бу ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай шарт-шароит ва инфратузилмаларни яратиш уларни уй-жой билан таъминлаш бўйича тасдиқланган давлат дастури «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека ва кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уйжойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, Мудофаа вазирининг бу борадаги буйруғида ҳам ўз тасдиғини топган.

Ҳарбийлар оиласи одатдаги оилалардан анча фарқ қилади. Хизмат тақозоси билан жойдан-жойга кўчишлар бир мунча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ҳарбий хизматнинг машаққатли томонларидан бири шуки, Ватан ҳимоясини ўзига касб қилган посбон ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам бурчини ўташга мажбур. Мамлакатимизнинг бир томони тоғу тошли, яна бир томони бепоён саҳролардан иборат. Шароити бир мунча мураккаб бўлган бундай жойларда Ватан ҳимоячиларининг хизмат ва яшаш шароитларини яқшилаш мақсадида давлатимиз раҳбарияти, Мудофаа вазирлиги томонидан кўплаб қулайликлар яратилмоқда. Оиласидан кўнгли тўқ посбоннинг хизмати ҳам унумли, мувафаққиятлари ҳам бисёр бўлиши шубҳасиз. Улар касб тақозоси, хизмат мажбурияти ва масъулият туфайли баъзан оилаларидан олисда бўлишга мажбур. Бунда ҳарбийлар оиласидан, яъни турмуш ўртоқларидан кутиладиган нарса – сабр-қаноат ва ишонч! Шу йўл билангина улар ўз ёрларини маънавий қўллаб-қувватлайдилар.

Қабул қилинган давлат дастурларига биноан оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида бўлинмаларда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт масканлари – она ва бола скрининг марказлари билан ҳамкорлик, ҳарбий шаҳарчаларда тиббиёт пунктлари фаолиятининг йўлга қўйилганлиги, спорт-соғломлаштириш масканларининг фойдаланишга топширилиши, замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланиши бунинг ёрқин далилидир.

Маҳаллаларда, ҳарбий шаҳарчаларимизда оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, айниқса ёшларни миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асраш йўлида ҳуқуқ тартибот органлари, “Маҳалла”, “Камолот” ЁИҲ билан белгиланган режа асосида тадбирлар, турли мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда демократик янгиланиш ва ўзгаришларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини ошириш мақсадида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаларида қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш тавсия этилади:

– хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишларининг аҳволини мунтазам равишда ўрганиш ва баҳолаш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ролини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш;

– ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чора-тадбирларини кўриш;

– ёш оилаларнинг эҳтиёжларини ўрганиб чиқиш, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирларни белгилаш;

– боқувчисини йўқотган оилаларда меҳр-мурувватга муҳтож болаларни ҳар томонлама муҳофазалаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, яшаши ва ўқиши учун зарур шароитлар яратиш;

– хотин-қизларни иш билан таъминлаш, ишга жойлаштириш муаммосини ҳал этиш;

– касаначиликни йўлга қўйиш, вақтинчалик иш ўринларини барпо этиш, «Моҳир қўллар» тўгараги каби ўқув курсларини ташкил этиш;

– шаҳарчаларда тиббий хизмат пунктлари фаолиятини янада яхшилаш;

– болалар ва оналарнинг тил ўрганишлари ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун марказлар ташкил қилиш;

– уй бекалари ва болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида қизиқишларига кўра рассомчилик, пазандачилик тўгараклари, фольклор гуруҳлари тузиш;

– ҳарбий оилаларнинг истеъдодли, иқтидорли фарзандларига янада кенг имкониятлар яратиб бериш, турли тўгаракларга жалб этиш ва улар ўртасида ўзаро мусобақалар ташкил этиш;

– маънавият ва маърифат Марказининг илмий-услубий бўлими ходимлари билан ҳамкорликда Оммавий ахборот воситаларида хотин-қизларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ турли мавзуларни ёритиб бориш, ҳамкорликда тадбирлар ташкил этиш;

– оилада маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, фарзандларни диний экстремизм ва ақидапарастлик каби бузғунчи ғоялар таъсиридан, гиёҳвандлик ва бошқа салбий кўринишлардан ҳимоя қилиш, соғлом муҳитни яратиш мақсадида турли тадбирлар, бадиий кечалар ўтказиш, соҳа мутахассислари билан учрашувлар ташкил қилиш;

– хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, таълим ва малака даражасини ошириш, ижтимоий ҳаётда улар иштирокини кенг таъминлаш;

– оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурлар асосида оналик ва болаликни самарали муҳофаза қилишни таъминлайдиган замонавий усулларни, илғор иш услубларини татбиқ этиш;

– тарбиявий ишларни янада такомиллаштириб бориб, ҳарбий хизматчиларимиз онги-шуурида миллий истиқлол ғоясига муҳаббатни янада шакллантириш, мамлакатимиз ҳимояси йўлида масъулият туйғусини мустаҳкамлаш;

– барча бўлинмалар ишларини ўрганиб чиқиш ва энг намунали, маҳоратли, ташаббускор деб топилганларининг иш фаолиятларини оммалаштириш, Оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

Шуни унутмаслигимиз керакки, шу она заминда туғилиб ўсган, вояга етаётган инсонларга эътибор, ғамхўрлик борасида фикр юритар эканмиз, бу Ўзбекистоннинг янада равнақ топишини, тинчлигимиз, хавфсизлигимиз барқарор бўлишини, ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслигимизни таъмин этади.

Мудофаа вазирлиги
Маънавият ва маърифат маркази
илмий-услубий бўлими.



МАСЛАҲАТ

ГИЁҲВАНДЛИК – АСР ВАБОСИ

XX асрнинг иккинчи ярмидан то ҳозирги кунимизга қадар, ер юзи бўйлаб гиёҳвандлик балоси аср вабоси сифатида тез суръатлар билан тарқалиб бормоқда. Гиёҳвандликнинг жисмоний ва маънавий зарарлари тўғрисида дунё оммавий ахборот воситалари орқали ёритилди. Кўпдан-кўп мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам қатор халқаро анжуманлар ўтказилди, гиёҳвандликка қарши чора-тадбирлар кўриш мақсадида кўплаб маҳаллий ва халқаро ташкилотлар таъсис этилди. Лекин афсуски, бу бало ва офат ўз ишини қилиб келмоқда.

Балою офатга айланган гиёҳ моддаларининг мусулмонман, деб юрган инсонлар томонидан истеъмол қилиниши, моддий даромад орттириш манбаига айлантирилгани, ёш авлоднинг гиёҳвандлик қурбони бўлаётгани ачинарли ҳолдир. Бу ақл-идрокли кишиларни бефарқ қолдирмаслиги керак.

Илмий-тиббий текшириш натижаларига кўра, қорадори оғиз ёки бурун орқали инсон танасининг ичкарисига киргач, у аввало ичакларга сўрилади ҳамда қориндаги қон айланиш йўли билан жигарга етиб боради. Жигар уни оксидлаб, ҳарорат, сув ва карбонат ангидридга айлантиради ва умумий қон айланиш жараёнига қўшилиб кетишига ёрдам беради. Натижада жигар ҳужайралари ундан таъсирланиб, церроз касаллигига йўлиқади. Қорадори қайта-қайта истеъмол қилиниши оқибатида «жигар церрози» кучая боради. Жигар кичрайиб, қотиб қолгач, унинг фаолияти сусаяди. Унинг ҳужайралари атрофида жигар ҳазм қилолмаган ёғлик моддалар чўкиб қолади. Гиёҳванд моддаларнинг оқсиллари халақит бергани учун йиғилиб қолган заҳарли моддалар қон айланиши билан марказий асаб тизимига қадар етиб боради. Асаб ҳужайралари ишдан чиқиб, яроқсиз ҳолатга келгач, инсонда кўриш, эшитиш, ҳид билиш, фикр юритиш, иссиқ-совуқни, қаттиқ-юмшоқни, ширинбемазани сезиш хусусиятлари йўқолади. Асаб ҳужайралари, маълумки, ҳаёт моддаси саналмиш протоплазмадан таркиб топган бўлади. Қорадори етиб бориши натижасида у ўз ҳаракатини тезлаштиради ёки ўта сусайтиради ёхуд тиришиш, тортишиш ҳолати пайдо бўлади. Протоплазмага ўтказилган бундай салбий таъсирлар кишини гиёҳванд модда истеъмолисиз яшай олмайдиган ҳолатга келтириб қўяди. Кашанда асабларини бироз бўлса ҳам тинчлантириш мақсадида гиёҳванд моддаларини истеъмол қилишга мажбур бўлиб қолади. Ухлай олмаслик, сустлик, иштаҳасизлик, ғамгинлик, кўзнинг ёшланиши, титроқ, увишиш, томирларнинг бўртиб чиқиши, юрак ўйнаши, кўнгил айниши, қайт қилиш ва бошқа шу каби салбий ҳолатларга гирифтор бўлади. Энг даҳшатлиси, гиёҳвандлик моддалари баъзи беморларда ОИТС касаллигини келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Мазкур иллатнинг жамиятга етказадиган зарарлари чек-чегарасиз. Гиёҳвандликка мубтало бўлган кимсада аввало ўзига, сўнг оиласига, касбига ёки ўқишига нисбатан қизиқиш ҳислари қолмайди. Айниқса, ишлаб чиқариш ва тараққиётнинг асосий кучи саналмиш ёш авлод гиёҳвандликнинг биринчи навбатдаги қурбони бўлиши ачинарли ҳолдир. Гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари фақат шахс ёки жамиятгагина эмас, балки бора-бора бутун мамлакатнинг соғлом турмуш тарзига, барқарорлигига путур етказиши, сиёсий тузум ва қонунчиликнинг издан чиқишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Гиёҳвандлик инсон жисмини қанчалик хароб қилса, жамиятга ҳам худди шундай мислсиз зарар етказади. У тинч-тотув оилаларни бузади, болаларни етим қилади, қашшоқлик, муҳтожликда яшашга мажбур этади, охир-оқибат касаллик, ўлим ёки қамоқхона билан якунланади.

Тарихдан маълумки, мустамлакачи давлатлар бошқа халқни ўзига бўйсундиришда фақат қурол-аслаҳани эмас, балки ўша халқнинг, айниқса, ёшларининг ақл-идрокини, иродасини сусайтирадиган, маънавий ва ахлоқий тушкунликка туширадиган воситаларни ҳам қўллашган. Шундай воситаларнинг ичида энг кучлиси – гиёҳвандлик моддаларидир. Зеро, мамлакатда рўй берган ижтимоий тушкунлик бориб-бориб, иқтисодий тушкунликка олиб келади. Моддий эҳтиёж эса хорижий давлатларга тобе бўлишни тақозо этади.

Яна бир хатарли жиҳати шундаки, гиёҳвандликка ружу қўйган кимсалар уни мунтазам харид қилиб туриш учун пул ва маблағга муҳтож бўладилар. Моддий бойликни қўлга киритиш учун ҳар қандай қабиҳ ишлардан ҳам тоймайдилар.

Гиёҳвандликнинг ёшлар ўртасида тарқалиши жуда хатарлидир. Зеро, ёшлар бўлғуси раҳбарлар, олимлар, мутафаккирлар, сиёсатчилар, иқтисодчилар... қисқа қилиб айтганда, келажагимиз эгаларидир. Аҳолининг бу қатлами қанчалик гиёҳвандликка кўп берилган бўлса, жамиятнинг келажаги шунчалик хатар остида бўлади.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, гиёҳвандликка илк бор қадам қўйиш ёшларда кўпроқ 11 ёш билан 17 ёш ўртасида кузатилади. Шу ёшда улар жиловлаб олинса, фожианинг олди олинган бўлади.

Сўнг иккинчи давр бошланади. Бунда ёшлар бир-икки ёки бир неча марта гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиб кўрадилар. Кўплари кейин давом эттирмасалар-да, 25-30 фоиз ёшлар унга ўрганиб қолиб, умр бўйи уни тарк этолмай қоладилар.

Маълумки, оила – жамиятнинг асосий негизи. У соғлом бўлса, жамият ҳам соғлом, агарда у касалланса, жамият пойдеворига дарз кетади. Натижада унинг устига қурилган бино қулашга мойил бўлади. Ёшларимиз, фарзандларимиз бу иллатга йўлиқмаслиги, вақтида унинг олдини олиш ўз қўлимизда. Бу иллатнинг жамиятимизда тарқалишига асло йўл қўймаслигимиз лозим.

Адлия подполковниги
Ё. САФАРОВ,
Республика Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари.

Меры безопасности

ОСТОРОЖНО: ГОРЮЧЕЕ!

Успешная и бесперебойная работа на объектах, где военнослужащие имеют дело с горючими, зависит прежде всего от правильной организации рабочих мест и соблюдения установленных правил техники и противопожарной безопасности. Это особенно важно в настоящий период – наиболее ответственный и опасный в пожарном отношении – во время жаркого лета.

Повышенная пожароопасность объектов обусловлена самими свойствами легкоиспаряющихся и легковоспламеняющихся жидкостей, заключающимися в том, что горючее, даже при обычной температуре, выделяет пары, которые, смешиваясь в определенных пропорциях с кислородом воздуха, образуют смеси, способные взрываться при появлении искры.

В этих условиях даже незначительная небрежность или неосторожность может стать причиной серьезных происшествий и несчастных случаев.

Источником пожара могут стать участки почвы, пропитанные разлитым горючим, сухая трава на территории склада, аэродромной стоянке, промасленная ветошь, а также статическое электричество, которое может возникнуть при сливоналивных операциях и заправках. Поэтому горючее не должно разливаться, емкости, наполненные им, подтекать, трава и ветошь должны систематически убираться. Подвижные средства заправки для въезда на склад должны быть оборудованы в противопожарном отношении и иметь качественное заземление.

Необходимо следить внимательно за исправностью вентиляции, проветриванием помещений, за герметичностью емкостей и другой тары. Все средства хранения горючего следует открывать и закрывать осторожно, не допуская возникновения искры.

Повышенную пожароопасность имеют пункты приема и слива авиационных и автотракторных горючих. Представьте себе такую картину: на пункт слива прибыли цистерны с горючим. Вокруг все пышет жаром, солнце накалило воздух выше плюс 40° С. Слив топлива проводится в сжатые сроки, работа, в буквальном слове, кипит. С какой же осторожностью необходимо работать, чтобы не допустить им малейшей сложности и предпосылки к несчастному случаю.

Интересы безопасной работы требуют, чтобы на каждом объекте, а на содержащих горючее, в первую очередь – был оборудован противопожарный пост с исправным инвентарем, средствами тушения и достаточным запасом воды. Назначаемый противопожарный расчет личного состава должен инструктироваться. Важно, чтобы каждый специалист знал и умел применять средства пожаротушения, а также практически выполнять правила оказания помощи в экстремальных случаях.

Многое в предотвращении непредвиденных обстоятельств зависит от самих воинов, ведь, как говорят, пожар легче предупредить, чем потом его потушить.

Из всего сказанного следует, что успех работы личного состава достигается пунктуальным выполнением правил техники и противопожарной безопасности, изложенных в Руководствах и инструкциях.

Николай БУРТЫШЕВ.

ОТДЫХ ПЛЮС ЗАКАЛИВАНИЕ



Плавание известно человеку с незапамятных времен. Самые ранние из дошедших до нас изображений пловцов относят к 4–3 тысячелетиям до н.э. В Центральноазиатском регионе плавание считалось важным элементом общефизической подготовки и воспитания подрастающего поколения.

Плавание благотворно действует на весь организм, улучшает кровообмен, стимулирует сердечную деятельность, укрепляет дыхательную систему, костную ткань, позвоночник, формирует осанку, улучшает общее самочувствие. На сегодняшний день это один из самых доступных видов спорта и активного отдыха. Плаванию можно легко научить даже маленького ребенка, который, благодаря отдыху на воде, быстро окрепнет физически.

В частях и подразделениях Министерства обороны в ходе организации и проведения занятий по плаванию решаются задачи обучения военнослужащих спортивному и военно-прикладному плаванию. У них развиваются такие качества, как выносливость, скорость, смелость и решительность, а также происходит общее закаливание организма.

Плавание и купание, хоть и не относятся к экстремальным развлечениям, однако сопряжены с определенной долей риска. Поэтому при проведении занятий и организации купания личного состава командиры и начальники обязаны принимать строгие меры безопасности.

Купание следует проводить только на водных станциях, в бассейнах или на специально отведенном для этого участке водоема, после тщательного его обследования и очистки от посторонних предметов. Для наблюдения за обучаемыми назначается не менее трех отличных пловцов и лодка со спасательными средствами.

Проводить обучение стартовому прыжку следует при глубине воды не менее 1,2 метров, а прыжкам в воду с вышки при глубине не менее 4 метров. При этом следить, чтобы следующий обучаемый прыгал не ранее, чем предыдущий отплывет от места входа в воду на расстояние не менее 5 метров. Не разрешаются прыжки с борта бассейна при глубине водоема менее 1, 5 метра. Запрещается нырянне и прыжки в воду военнослужащим, перенесшим воспалительные заболевания среднего и внутреннего уха.

Проводящий занятие или купание командир обязан проверять число купающихся до входа в воду, в воде и после выхода из воды. И прекращать купание, если у личного состава появились признаки сильного охлаждения (озноб, «гусиная кожа», посинение губ).

С командирами и начальниками, проводящими купание личного состава и занятия по плаванию, необходимо периодически проводить инструкторско-методические занятия по овладению способами спасения утопающего при участии врача части.

К. ВЛАДИМИРОВ.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ТАҚДИР ҲУКМИ

(воқеий ҳикоя)



(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида)

Темурбек худди ҳушсиз одамга айланиб қолди. Ахир у Нодирани жонидан ортиқ кўрарди. Усиз ҳаётини тасаввур ҳам қилолмайди. Энди у йўқ... Болаларига нима дейди? Қандай баҳона топади. Икки кундан бери Зоҳида онасини сўраб йиғлайди. Юпатишга ҳаракат қилиб кўрди. Қани кўнса. Унга қўшилиб ҳамманинг кўзидан ёш қуйилаяпти.

«Тақдирнинг менга атаган шундай синови ҳам бормиди? Ҳаммасига мен айбдорман. Ўша куни машинада олиб бориб қўйганимда шу воқеа бўлмасди-ку. Мен нотавон унинг ҳаётига зомин бўдим». Темурбек ана шундай оғир ўй-хаёллар гирдобидан чиқолмай қийналарди...

Ферузанинг тўйи қолдирилди. Икки кундан кейин тўй бўлиши керак бўлган бу хонадон ҳам азахонага айланди. Безатилган уй, сарпо-суруқ ҳам шундайлигича қолди. Фарзанд доғидан куйиб ёнаётган ота-онанинг қадди букилди. Ҳар куни Нозима хола қизини ўйлаб, фарёд чекади. Унга қўшилиб Салим ака ҳам адо бўлди. Аммо на илож...

Аста-секин кунлар ўта бошлади. Феруза ота-онасининг аҳволини кўриб бир куйинса, етим қолган жиянларини эслаб, яна юраги хун бўларди. Нозима хола ҳам ўтирса ҳам, турса ҳам невараларини эслаб йиғлайди.

– Дадаси, невараларимни уйимизга олиб келамиз, – деди бир куни.

– Ўйлаб гапираяпсанми? Темурбек болаларини беради, деб ўйлаяпсанми? Қолаверса, қудаларимиз ҳам рози бўлишмайди.

– Ахир тушунсангиз-чи, Темурбек ҳали ёш. Кун келиб, албатта, уйланади. Ўгай она бегонанинг боласини сиғдирармиди? Бечоралар бировнинг қўлида хор-зор бўлади-ку. Эркак киши кўчанинг одами. Темурбек кун бўйи ишдан бери келмайди, болалари эса ўгай онанинг қўлида бўлади...

– Эй, бас қилсанг-чи. Темурбек ҳали уйлангани йўқ. Ўша кун келсин, кейин бир гап бўлар. Унгача ўзингни ҳам, мени ҳам қийнама.

Эр-хотиннинг суҳбати шу зайлда якун топди. Бошқа бу мавзуда оғиз очилмади...

Бир куни кечки томон ҳеч кутилмаганда Нодиранинг қайнона-қайнотаси келишди. Уларнинг бемаҳал ташрифидан хонадон соҳиблари ҳайрон бўлишди. Айвонга жой ҳозирланди. Тўрга чиқиб ўтиришган қудалари гапни узоқдан бошлашди.

– Нодирахонни келин эмас, қизимиз деб қабул қилган эдик, – оғир хўрсиниб гапирди Носир ака. – Худонинг ишларида бандаси ожиз экан. Илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин... Ортида икки қоракўз фарзанди қолди. Уларга қараб, юрагимиз эзилади. Тўғри, ҳали ёш. Бу кўргиликларни билмагандек бўлиб кетади. Лекин барибир уларга ҳам она керак. Онанинг ўрни бошқа.

Ўртага оғир сукунат чўкди. Ҳамманинг кўзидан дув-дув ёш қуйиларди.

– Фарзанд доғини кўриш ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Мен ҳам туну кун невараларимни ўйлайман. Бечора қизимнинг фарзандлари кимнинг қўлига қарайди, ким уларга оналик қилади, деб қийналаман...

– Бегона барибир бегона-да. Эртага Темуржонни уйлантирсак, ўгай она болаларга қайишадими, юраги ачиб, жон куйдирадими? Қани эди... – Мақсуда опа айтадиган гапларини гапиролмай қийналди. – Ферузахон унаштирилмаганида Нодирахоннинг болаларига эгалик қилармиди? Ахир, иложсиз нарсанинг ўзи йўқ.

Шунда Салим ака уларнинг нима мақсадда келишганини тушунгандай бўлди. Бу улар учун ҳеч кутилмаган гап бўлди. Чунки фақат никоҳ тўйини айтмаганда барча расмрусумлар қилиб бўлинган. Энди буёғи қандай бўлади? Шунча сарф-харажат, икки ёшнинг кўнгли... бу айтишга осон.

Қудалари кетишди. Салим ака билан Нозима хола мунғайиб қолгандек эди, гўё. Феруза айвонга чиқиб, дастурхонни йиғиштиришга тутинди. Ота қизини кузатиб ўтирди. Беихтиёр бўғзига бир нима тиқилгандек бўлди. Ўрнидан туриб, ҳеч кимга лом-мим демасдан кўчага чиқиб кетди...

Ўша кундан кейин Салим ака ўзгариб қолди. Қандайдир одамови, маҳзун. Дастурхон бошида ҳам гапирмайди, бир нуқтага тикилганича оғир хўрсинади. Ҳамма ҳайрон. Нозима хола ҳам юрак ютиб бирор нима сўрашга ботинолмайди.

– Сенга бир гап айтмоқчиман, – деди бир куни Салим ака кечки овқатдан кейин Нозима холага. – Фақат... додвой солма.

Нозима холанинг юраги шув этди. Худди бирор кўнгилсизлик бўладигандек қўрқиб кетди. Шунинг учун секингина:

– Нима гап экан? – дея олди холос.

– Бу гапни айтиш мен учун оғир. Аммо ўйлаб-ўйлаб, шу қарорга келдим. Қароримни сен ҳам қўллаб-қувватлайсан деб... умид қиламан. Чунки ҳаммамиз учун охирги чора, охирги йўл шу, деб ўйлаяпман.

– Дадаси, нима ҳақда гапираяпсиз? Тушунтириб гапирсангиз-чи?

– Ваҳима қилма, ўзингни бос. Мен... биз Ферузанинг тўйини қайтарамиз.

– Нима, нималар деяётганингизни биласизми? Тўйни бузмоқчимисиз? – Нозима хола алам билан Салим акага қаради. – Нима учун бундай қарорга келганингизни билмадиму, аммо тўй бўлади, сиз икки ёшнинг бахтига чанг солманг, улар ...

– Ахир тушунсанг-чи, Феруза опасининг болаларига эгалик қилсин, деяпман. Ўша куни қудаларимиз ҳам шунга шаъма қилишди. Феруза Жасур билан Зоҳидага оналик қилса, опасининг ўрнини эгалласа, жиянларига яхши бўлади. Шундай қилса, опасининг руҳи ҳам шод бўлади... Менинг ҳам қизимга ичим ачийди. Аммо шундай қилишга мажбурмиз... Феруза ақлли қиз... Тўғри, унгаям қийин бўлади. Вақт ўтиб, ҳамма нарса изига тушиб кетади.

Нозима хола туш кўраётгандек эди. Лекин бу туш эмас, ҳақиқат... Бу гапларни қизига қандай айтади? У бечоранинг айби нима? Унинг орзу-ҳаваслари нима бўлади? У қалбини ўртаётган сўнгсиз саволларга жавоб тополмай узоқ йиғлади.

– Йиғлаганинг билан ҳеч нарса ўзгармайди. Мен атайлаб қилаётганим йўқ-ку. Тушун, шунга мажбурмиз. Ферузага ҳам тушунтир.

– Дадаси, бу гапни қандай айтаман? Поччасига турмушга чиқиш, турмушга чиқибоқ, икки боланинг онаси бўлиш... бечора бу гаплардан адо бўлади-ку? Салим ака бошқа гапирмади. Хонтахтага бошини қўйиб, бироз вақт ўтирди. Кейин эса ўрнидан туриб, уйга кириб кетди...

Нозима хола бу гапни қизига айтишга кўп ҳаракат қилиб кўрди. Энди айтмоқчи бўлади, тили айланмайди. Аммо айтиш керак. Бироқ қандай қилиб?

– Қизим, жон болам, сенга бир гап айтмоқчиман, – деди Нозима хола дазмол қилиб бўлиб, кийимларни шкафга жойлаётган қизини ёнига чақириб. – Шу гапларни айтгунча... болам бизни айблама... Фақат ...

– Ойи, нима гап? – Феруза қўрқиб кетди. Онасининг ранг-рўйи бир аҳволда. Кўзлари қизарган, юзларидаги ажин янаям кўпайгандек. – Бирон нима бўлдими? Гапиринг.

– Ферузажон, кеча даданг билан маслаҳатлашдик... Даданг сени опангнинг болаларига эгалик қилсин, деяпти. Агар ундай қилмасанг, бир кун келиб Темурбек уйланса, жияларингга қийин бўлади. Қандай аёл келади, буни фақат Худо билади.

Феруза ҳеч нимага тушунмади. Шунинг учун онасига термулиб ўтираверди.

Нозима хола ҳам қизининг гап нима ҳақда бораётганини англамаётганини билди.

– Темурбек жудаям яхши йигит. Унгаям, фарзандларигаям қийин бўлди... Қизим биз шунинг учун сени Темурбекка... – Нозима хола у ёғини айтолмади. Бўғзига тиқилган ёш уни гапиртиргани қўймади.

– Ойижон, ўйлаб гапираяпсизми? Мен қандай қилиб поччамга... Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Ахир унаштирилганман-ку. Тўй нима бўлади? – Феруза бу гапларни эшитиб, гангиб қолган эди.

– Сен рози бўлсанг, тўйни қайтарамиз.

– Дадам шундай деяптиларми? – Ферузанинг кўзларидан дувиллаб ёш қуйиларди. – Йўқ, мен рози эмасман. Ойижо-о-о-н, мени қийнаманглар. Опамнинг эрига турмушга чиқиш... Бунга қандай чидайман.

– Жон болам, биз сени шундай бахт топсин, деймизми. Бизга қолса, сенинг ўйнаб-кулиб юрганинг яхши эмасми? Аммо жияларингни ўйлагин, жон болам. Улар бировнинг қўлида хорланмасин, деяпмиз. Даданг билан мени айблама, қизим. Феруза ўзини ҳар ёнга ташлаб йиғлар, афсуски, энди бари бефойда эди.

– Мени десанг, Темурбекка турмушга чиқасан, – деди она-боланинг суҳбатини эшитиб, уйга кириб келган Салим ака қатъият билан. – Опангнинг руҳи шод бўлсин, фарзандлари етимлик дардини тортмасин десанг, шундай қиласан. Қизим, биз ҳам атайлаб қилаётганимиз йўқ. Рози бўл, жон қизим.

Отаси охирги сўзларини шундай мунг билан гапирдики, Ферузанинг вужуди титраб кетди. Энди нима бўлади?! Дилмурод акаси билан «Бир умр бирга бўламиз. Бир-биримизни авайлаб яшаймиз», деб қилган аҳди-паймони наҳот саробга айланса?! Ахир тўй бўлиши керак эди. Энди эса... бу гаплар худди тушида айтилаётгандек... У дадаси билан онасини қанча кўп эслаган сари шунча азобланаяпти. Қандай қилиб ўз акасидек бўлиб қолган инсонга турмушга чиқади? Бунга қандай кўникади? Феруза шу куни кечаси билан тўлғониб чиқди. Аммо пешонасига шундай қисмат ёзилган экан, унинг қўлидан нима ҳам келарди?

Унинг тақдирга тан беришдан бошқа иложи қолмади. Кўзлари мўлтиллаб турган икки гўдакни ўйлади, ғамдан қадди букилган ота-онасини ўйлади... Салим ака бу ҳақда шу куни қудаларига айтди. Бу хабарни эшитиб, уларнинг кўнгиллари ёришди.

– Ферузахон умридан барака топсин. Илоҳим, икки дунё саодатини кўрсин, – Мақсуда опанинг қувончдан кўзларига ёш келди.

– Бу қарорларингиз жуда маъқул бўлибди, – деди Носир ака ҳам. – Аслида шундай қилмасак ҳам бўлмас эди. Ўша куни биз ҳам шу мақсадда борган эдик. Лекин истагимизни қандай қабул қиласизлар деб очиқ айтолмадик. Жасур билан Зоҳидага фақат Ферузагина ҳақиқий оналик қила олади.

Темурбек ҳам индамади. Эртаси куниёқ Салим ака билан Нозима опа Феруза келин бўлиб тушмоқчи бўлган хонадонга боришди. Вазиятни тушунтириб, тўйни қайтармоқчи эканликларини айтишди. Бу гап улар учун ҳам кутилмаган ҳол бўлди. Чунки Феруза билан Дилмурод севишиб турмуш қуришаётган эди. Унаштирилганларига бир йил бўлганди. Аввалига энди тўйни бошламоқчи бўлганларида Ферузанинг бувиси оламдан ўтиб, тўй қолдирилди. Кейин Нодирахоннинг ўлими... Энди эса бу гап... Салим ака билан Нозима опа кечирим сўраб, тўйнинг барча харажатларини тўламоқчи эканликларини ҳам айтишди. Лекин улар унамадилар. Ўртада бироз дилхираллик ҳам бўлди. Шундай қилиб, тўй қайтарилди. Ферузанинг сеп-сидиргалари қайтариб олиб келинди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Феруза Темурбекка турмушга чиқди...

... Саҳархез хўрозлар қичқирди. Нариги хонадан қизи Зоҳиданинг овози эшитилди: «Ойижон».

– Кел, оппоғим, кел ёнимга, – у уйқули кўзларини қўллари билан ишқалаб, ёнига яқинлашган жамалаксоч қизчани кўтариб бағрига босди, елкаларини силаб, эркалади. Бироз ўтиб, ўғли келиб унинг пинжига суқилди. Шу тонг қуёшнинг илк нурлари бу бахтиёр она-болаларни эркалаб, кўкка кўтарилгандек эди гўё...

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

АВТООЛАМ

G-POWER ЯРАТГАН «ТАЙФУН»

Германиянинг G-Power тюнинг-ателъеси ўз автомобилларига табиатда юз берадиган ҳодисалар билан боғлиқ номлар беришни ёқтиради. Уларнинг ҳисобида ҳозирда бир рекордчи бор – бу G-Power MS Hurricane RS.

BMW M5 асосида яратилган мазкур «Ураган» (ўзб. «Бўрон») Папенбург шаҳридаги пойга трассасида тезлигини соатига 367,4 км.гача етказиб, аввалги рекордчи Brabus Rocket автомобилини «нокдаун»га учратди. Эндиликда эса немислар омма эътиборига қўрқинчли номга эга бўлган яна бир автомобиль – G-Power Typhoon («Тайфун») машинасини ҳавола этдилар.

«Тайфун» BMW X5 xDrive 48i асосида яратилган. G-Power муҳандислари ишлаб чиққан янги аэродинамик тўсгич туфайли машинанинг эни 70 мм.га узайди. Унга 4,8 литр ҳажмли, ҳавони олдиндан сиқиб берувчи ASA русумли компрессорли «саккизталик» двигатель ўрнатилган. Шунингдек, совутиш тизими, двигателни бошқариш блоки ва чиқариш тизимига ҳам ўзгаришлар киритилган.

Буларнинг барчаси двигатель қуввати 355 от кучидан 525 от кучига, айланиш тезлиги эса 475 дан 600 «ньютон»гача ўсишига олиб келди. Автомобилга 315/25 R23 ўлчамли ғилдираклар «кийдирилган» бўлиб, уларга паст профилли Mishelin резинаси тортилган. Барча ушбу ўзгаришлар натижасида G-Power биринчи юз метрни 5 сония, иккинчисини – 18,4 сония ичида босиб ўтади, максимал тезлиги эса соатига 275 км.га етади. Албатта, бу кўрсаткичлар ажойиб, аммо уларни эндиликда мисли кўрилмаган деб бўлмайди. Айниқса, тезликни соатига 300 км.дан оширган, биринчи юзталикни 4,2–4,3 сония ичида «учиб ўтадиган» Brabus ML 63 Biturbo ёки Gemballa GT750 Aero автомобиллари билан таққослаганда. Аммо бу рекордчилардан фарқли равишда G-Power Typhoon анча арзон нархда, яъни 110000 евро атрофида таклиф этилади. G-Power мутахассислари эса Hurricane сингари экстремал типдаги машиналарни яратиш устидаги ишларни давом эттирмоқдалар.



SsangVong C200 АВТОМОБИЛИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ

Апрель ойида Сеулда очилган автокўргазмада машҳур SsangVong компанияси шаҳарларга мўлжалланган янги C200 автомобилининг сериялп равишда ишлаб чиқаришдан олдинги вариантини тақдим этди. Мазкур машина 2010 йилдан сотувга чиқарилиши мўлжалланган.

Кореяда ушбу автомобилни икки хил – олд узатмали ва тўлиқ узатмали вариантида ишлаб чиқариш режалаштирилган. Двигателлар ҳам бир неча турда бўлади. Ҳозир шуниси аниқ маълумки, улар орасида қуввати 175 от кучига тенг, икки литрли дизель бўлиб, у Евро-5 экологик стандартига мос келади.

C200 автомобилининг дизайни Giugiaro's ItalDesign номли дунёга машҳур итальян кузов ателъеси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у Toyota RAV4, Nissan Gashgai ва Volkswagen Tiguan автомобиллари билан «кураш» олиб боради. Шунингдек, Сеулда Корея компанияси C200нинг дизель-гибрид кучланиш қурилмасига эга бўлган ECO русумли экологик модификациясини ҳам намойиш этди.



ЭЛЕГАНТНЫЙ MERSEDES E63 AMG

На автосалоне в Нью-Йорке, проходящем с 10 по 19 апреля в Jacob Javits Convetion Center в Манхэттене, официально представлен элегантный и, одновременно, мощный «Mersedes-Benz E63 AMG», который в будущем обещает составить серьезную конкуренцию таким автомобилям, как «BMW M5» и «Audi RS6».



Спортивный седан из Штутгарта оснащен 6,3 л V-образным 8-цилиндровым двигателем мощностью 525 л.с., способным развивать максимальный крутящий момент на уровне 630 Нм. Силовой агрегат сопряжен с 7-ступенчатой автоматической коробкой передач, и, благодаря подобной связке, модель «E63 AMG» способна развивать скорость от 0 до 100 км/час всего за 4,5 сек. Максимальная скорость седана от «Mersedes», как это водится у немецких автопроизводителей, ограничена электронной уздечкой на отметке в 250 км/час.

Аудитория, для которой предназначен этот зубодробительный седан, наверное, меньше всего задумывается об экономии, тем не менее немецкий автопроизводитель подчеркивает, что, несмотря на 11 л.с. дополнительной мощности, автомобиль потребляет на 12% меньше топлива (12,6 л), нежели это делал его предшественник.

AUDI Q5 КОМПАКТНЫЙ ВНЕДОРОЖНИК

Известное тюнинг-ателье, специализирующееся на доводке автомобилей VW Group, ABT Sportsline, обнародовало новые изображения эксклюзивного кроссовера «Audi Q5». Немецкая тюнинг-компания предлагает различные варианты доработки этого компактного внедорожника, выразившиеся в стилевых изменениях и модификациях двигателя, наряду с разнообразными вариантами отделки салона.

Набор кузовных деталей от ABT, состоящий из переднего и заднего бамперов, накладок на пороги, новой радиаторной решетки, относительно большого спойлера на крыше и литых дисков разного размера (до 22 дюймов в диаметре), создает этому немецкому внедорожнику достаточно агрессивный образ.

Тюнинг-программа ABT для интерьера состоит из ряда аксессуаров и доработок, начиная от декоративных вставок из углеволокна и заканчивая полной кожаной отделкой салона.

Самые важные изменения произошли под капотом, куда инженеры ABT смогли имплантировать собственный пакет механических доработок, увеличивающий мощность 2,0 дизельного TDI от 140 до 170 л.с., 3,0 TDI агрегата от 240 до 310 л.с., 2,0 TSI, бензинового мотора от 211 до 240 л.с., который чуть позже будет представлен в версии мощностью до 275 л.с.



Доработки двигателя могут быть дополнены специальной тормозной системой с 380-мм дисками, а также спортивной подвеской, сделавшей посадку этого компактного кроссовера еще ниже.

КИЧИК КОМПАНИЯНИНГ КАТТА РЕЖАЛАРИ

Faralli & Mazzanti номли унча катта бўлмаган автомобиль компанияси ўзига хос тарзда иш олиб бормоқда. Кичик авто ишлаб чиқарувчилар молиявий инқироз сабабли бой мижозлар сони қисқариши оқибатида ўз ишлаб чиқариш қувватларини тўхтатаётган бир вақтда, ушбу итальян компанияси Vulca S русумли қимматбаҳо эксклюзив спорткупе йўналишидаги автомобилни чегараланган миқдорда ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Яъни, режага кўра, атиги 10 дона ана шундай авто ишлаб чиқарилади.

Vulca S модели март ойи бошида Виченца шаҳрида ташкил этилган Salone Internazionale del Lusso (ҳашаматли жиҳозлар) кўргазмасида омма ҳукмига ҳавола этилди.

Vulca S BMW компаниясининг қуввати 630 от кучига тенг бўлган 5,8 литр ҳажмли, V-кўринишли 10 цилиндрли двигатели билан жиҳозланган.

Унинг дизайни – ҳақиқий итальянча дизайн. Бошқа автомобилдан ўзлаштирилган ягона нарса – бу Lamborghini Miura автомобилидаги сингари эшик (юқори дераза рамкасисиз). Lamborghiniда бундай эшикдан буқа шохлари образини яратиш учун фойдаланилган бўлса, Vulca Sнинг эгилган эшиги шайтон шохларига ўхшаш бўлади. Автомобиль салони қимматбаҳо теридан ишланган ҳамда ўзига хос элементларга бой.

Қувват ва ҳашаматнинг бундай бирлиги бахтли харидорларга атиги 280000 евро (379000 доллар)га тушади. Хўш, Vulca S бундай маблағ сарфлашга арзийдими? Буни эса, келажак кўрсатади.

С. ПЎЛАТОВ тайёрлаган.

TV ДАСТУР

22 ИЮНЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 «Изҳор».
07.15 ТелеТеатр: «Чимилдиқ».
07.50 «Олтин мерос».
08.00 «Таҳлилнома».
08.40 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
– Ўғлимдаги ўзгаришларни кўриб бениҳоя қувондим. Командирлари билан суҳбатлашдим, ўртоқлари билан сўзлашиб, кўнглим ўсди. Фарзандим хизмат қилаётган жой бизнинг Чимбойдан тубдан фарқ қилади. Боғ-роғлари кўп. Онаман-да ўғлимнинг ётоқхонаси, нима еб-ичишларига кўпроқ қизиқдим. Кенг ва ёруғ ётоқхоналар, айниқса, посбонларга миллий таомлар, сархил мевалар, витаминга бой шарбатлар берилиши – бу аскар фарзандларимизга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан дарак бериб турибди. Бахитбек уларга берилаётган мева-чевалар ҳарбий қисмларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб берувчи таъминот бўлинмаларида тайёрланишини, аскарлар сифатли сабзавот ва полиз маҳсулотлари, мевалар билан мунтазам таъминланишларини айтиб берди...

Саятхон опанинг мамнуният билан тўлиб-тошиб сўзлашлари аскарларимизнинг бугунги таъминоти уларнинг ота-оналарини ҳам қониқтираётганини кўрсатиб турибди. Юртимиз табиати бетакрор, сахий. Гилос, ўрик, олманинг эртапишар навлари нафақат ҳарбий хизматчиларимизга балки, уларнинг оила аъзоларига ҳам бозор нархидан анчагина арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Ички таъминот бўлинмалари орасида Шарқий ҳарбий округининг Аброрбек Иномжонов етакчилик қилаётган бўлинма юқори натижаларни қўлга киритмоқда. Улар ўн икки турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб беришни режалаштирганлар. Дастлабки сабзавот ва полиз маҳсулотлари аскар дастурхонига етказиб берилди. Мазкур округда боғдорчилик ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган.

Шу кунларда мамлакатимизнинг жанубида бошоқли экинларнинг йиғим-терими қизғин тус олган. Мудофаа вазирлигининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш хизматининг жойлардаги ички таъминот бўлинмаларида ҳам бу борада салмоқли натижалар қайд этилмоқда.

– Жорий йилда жами тўрт юз тўқсон олти гектар ерда арпа-буғдой етиштирилди, – дейди биз билан суҳбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш хизматининг бошлиғи майор Дониёр Муродов. – Жанубий ҳудудларда ғалла ўрим-йиғими бошлаб юборилган. Бу йил ғалладан режадагидан ҳам мўлроқ ҳосил йиғиштириб олишни мўлжаллаяпмиз.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, шу кунларда ем-хашак тайёрлаш ишлари ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бу борада Тошкент ҳарбий округи таъминотчилари етакчилик қилишмоқда. Мустаҳкам озуқа базасининг тайёрланиши ўз навбатида гўшт ва гўшт маҳсулотлари таннархининг арзонлашувини таъминлайди.

Яқин кунлар ичида Марказий ҳарбий округида нон ёпиладиган кичик цехнинг ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Мазкур цехнинг ишга тушириши нон маҳсулотларининг нархини анча арзонлаштиради. Мазкур рақамлар пухта ўйлаб, режа асосида иш олиб борилаётганидан дарак беради.

Ҳали бу каби қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Айни кунларда эришилаётган ютуқлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш хизмати жорий йилни муваффақият билан якунлашини кўрсатиб турибди.

Назокат НОДИРШОҲОВА.

Антикризисная программа мер – в действии

ФАКТОРЫ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ

Указ Президента Ислама Каримова от 28 ноября 2008 года «О Программе мер по поддержке предприятий реального сектора экономики, обеспечению их стабильной работы и увеличению экспортного потенциала» служит важным фактором устойчивой деятельности отечественных производителей в условиях мирового финансово-экономического кризиса.

В рамках реализации данного документа выполняются широкомасштабные работы и в Сурхандарьинской области. По данным областного хокимията, для смягчения воздействия последствий мирового финансово-экономического кризиса была тщательно проанализирована деятельность 54 предприятий, экспортирующих свою продукцию. Им была оказана практическая помощь. В частности, была поддержана инвестиционная деятельность 16 предприятий, 13 предприятиям коммерческие банки выделили кредиты более чем на 6 миллиардов 294 миллиона сумов. Уменьшение на 22 процента себестоимости продукции на 12 предприятиях позволило сэкономить за год 5 миллиардов 600 миллионов сумов.

В результате в первом квартале нынешнего года произведено промышленной продукции на 120 миллиардов сумов, потребительских товаров – на 36,9 миллиарда сумов. Объем экспорта в области составил 29,2 миллиона долларов США. Совместными предприятиями экспортирована продукция на 7,5 миллиона долларов США.

С начала года в СП «Шингдонг Спиннинг Термиз» произведено около 500 тонн пряжи. Свыше 300 тонн продукции отправлено в Китай и Южную Корею. По словам генерального директора СП Александра Яна, льготы, предоставляемые предприятию, обеспечивают стабильность производства, создание дополнительных рабочих мест и своевременное выполнение заказов местных и иностранных клиентов. Здесь работают свыше 270 человек.

На основе Антикризисной программы мер крупный текстильный комбинат области – СП «Сурхонтекс» получил ряд льгот. Предприятию продлены сроки оплаты кредитов. Себестоимость продукции снижена на 20 процентов.

Установка здесь линии по вторичной переработке хлопкового волокна, прядильно-ткацкого оборудования и других станков дала возможность улучшить качество продукции, повысить производственные мощности. В результате спрос на продукцию предприятия вырос не только на внутреннем, но и внешнем рынке.

– Нынешняя технология полностью отличается от прежней, – говорит главный механик СП «Сурхонтекс» Батыр Кузиев. – Новое оборудование позволяет счищать оставшиеся на волокне семена хлопчатника, пыль и мусор. Все эти процессы выполняет компьютер. Наша конкурентоспособная продукция вызывает большой интерес у иностранных клиентов, а это обязывает нас к дальнейшему поиску.

За счет сокращения расходов изготавливается больше продукции, обеспечивается экономия средств и экономическая стабильность. В первом квартале текущего года путем снижения внепроизводственных расходов, упрощения технологического процесса, экономии электроэнергии, приобретения запчастей по оптимальным ценам, предотвращения простоя станков сэкономлено 102 миллиона 600 тысяч сумов. Повышение спроса на продукцию обусловливает продолжение работы по техническому и технологическому переоснащению предприятия. Уже созданы производственные условия для пуска третьей очереди предприятия. Если сейчас предприятие выпускает в год 4200 тонн пряжи, то с введением в эксплуатацию третьей очереди этот показатель достигнет 6 тысяч тонн.

Наряду с поддержкой ведущих отраслей экономики в области осваиваются новые перспективные проекты, а это свидетельствует о том, что Антикризисная программа мер дает позитивные результаты.

– В этом году в области намечается введение в эксплуатацию оснащенных современным оборудованием восьми предприятий легкой промышленности, – сказал руководитель постоянно действующей группы мониторинга Сурхандарьинского областного хокимията Мухиддин Тилавов. – Намечается привлечь иностранные инвестиции в размере 15 миллионов 211 тысяч долларов США и местные кредитные средства на 700 миллионов сумов. На этих предприятиях будет создано около 700 новых рабочих мест. Из местного сырья намечается выпускать пряжу, трикотажные изделия. Будет налажена переработка коконов. Все это – наглядный результат мира и спокойствия, экономической стабильности в нашей стране.

Х. МАМАТРАЙИМОВ,
корр. УзА.

Рақамлар – тараққиётдан сўзлар

ҚИШЛОҚ ОБОД – ЮРТ ОБОД

«Қишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқда ҳаёт сифатини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгартиришга, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга, охир-оқибатда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини, унинг онги ва фуқаролик масъулиятини оширишга қаратилган, биз учун ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган ушбу давлат дастурини бажаришга киришар эканмиз, 2009 йилдаги бош вазифамиз уни амалга ошириш бўйича истиқболдаги барча ишларни мустаҳкам ташкилий асосга қўйишдан иборатдир» деган эди Президентимиз 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида.

Қувонарлиси шундаки, истиқлол сабаб қишлоқларимизда обод аҳоли масканлари ва замонавий уйлар бунёд этилмоқда, равон йўллар қурилиб, узлуксиз энергия таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимига эътибор қаратилянти. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ жойларидаги мавжуд инфратузилмани янада кенгайтириш бўйича қўшимча маблағ ва имкониятлар топилмоқдаки, бу ободлик ва фаровонлик сари дадил одимлаётганимизни кўрсатади.

Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотлар Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида йилнинг ортда қолган дастлабки чорагида олинаётган йўналишда қилинган ишлар сарҳисобини кўрсатади.

Ҳисобот даврида аввало қишлоқ жойларда фойдаланишга топшириладиган қўшимча ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари рўйхати, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга доир тадбирлар тасдиқланди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида 3048,2 километрлик туманлар ва хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоғи тозаланди. Ихтисослашган пудратчи ташкилотларни замонавий мелиорация техникаси билан таъминлаш ишлари давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ирригация тизимларини реконструксия қилиш ва ишлашини таъминлаш, шунингдек, сув омборлари қурилиши учун 156,3 миллиард сўм йўналтирилди.

Бухоро (54,3 га), Жиззах (291 га), Қашқадарё (200 га), Навоий (50 га), Наманган (50 га), Самарқанд (53 га) ва Фарғона (100 га) вилоятларида жами 800 гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимини жорий етиш ишлари бошланди. Бухоро (54,3 га), Навоий (10 га), Фарғона (11 га) вилоятларида эса томчилатиб суғориш тизими қурилиши амалга оширилмоқда.

Биринчи чорак давомида давлат бюджети ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан сув таъминоти ва канализация соҳасида 20 лойиҳа амалга оширилди. Республика бўйича ҳисобот чорагида жами узунлиги 237,7 километр сув қувури ва 249,1 километр газ узатиш тармоғи ишга туширилди. Халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, жумладан Ўзбекистон миллий автомагистрали участкасини барпо этиш ишлари жадал амалга оширилиб келмоқда.

Ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш доирасида жорий йил биринчи чорагида қишлоқ жойларда қўшимча равишда 1219,8 минг квадрат метр уй-жой, 220,6 километр газ узатиш ва 202,9 километр сув қувурлари тармоғи ишга туширилди. Қишлоқ жойларда уй-жойлар, ишлаб чиқариш ва маиший объектларни таъмирлаш ҳамда қуриш, объектларни тўла тайёр ҳолда топшириш ишларини бажарувчи 91 та қурилиш-таъмирлаш ташкилоти ташкил этилди. Қишлоқ жойларда ягона типдаги уй-жойларни қуришни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилди ва унинг қишлоқларда кенг кўламда ягона типдаги уй-жойларни қуриш имконини берадиган устав жамғармаси манбалари шакллантирилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида, асосан, қишлоқни ободонлаштириш дастурини амалга ошириш бўйича ресурс, институционал ва ташкилий базани яратиш ишлари амалга оширилди. Бундан кўзланган мақсад кейинги даврларда ушбу дастурнинг асосий вазифаларини самарали рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратишдан иборат.

Шу маълумотларнинг ўзиданоқ кўриниб турибдики, мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифалар йўлида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.



220,6 километр газ узатилди



202,9 километр сув қувурлари тармоғи ишга туширилди

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

АНЪАНАЛАР ЯШАЙДИ, АНЪАНАЛАР БАРДАВОМ



Қишлоқ ҳақида сўз кетганда аввало унинг бағри кенг, қўли қадоқ, меҳри қайноқ содда қалбли инсонлари кўз олдингизда намоён бўлади. Мана шу қадоқ қўллар яратган мевазор боғлар, полизу экинзорларни таърифлашга тил ожиз. Буларни яратишга, яшнатишга сарф этилган меҳнату машаққатга эса сўз топмоқ мушкулдир. Шоир куйлаганидек:

Беҳишт боғларингдан олган андоза,
Ҳар қисм тупроғинг азиз, тўтиё.
Бободеҳқонинг бор юраги тоза,
Куну тун меҳнату заҳматга ошно.
Онадек мунисим, меҳри булоғим,
Бағри оташнафас, азиз қишлоғим.

Шунингдек, бу гўшаларни миллий анъаналаримиз, урф-одат ва маданиятимиз асралгувчи сеҳрли масканлар, десак арзийди. Негаки, қишлоқ аҳли аждодларимиздан асрлар оша мерос бўлиб келган анъаналарнинг ҳақиқий ворисларидир. Буларни миллий ҳунармандчиликдан тортиб, урф-одатларга қадар кузатиш мумкин. Ва, албатта, қишлоқ ҳаётида замон билан ҳамнафаслик ҳам мужассамки, бунинг мамлакат тараққиётида катта ўрни бор.

Мен ҳам шундай тенгсиз таърифларга муносиб сўлим қишлоқда вояга етганман. Унинг замон билан ҳамнафаслиги ҳақида сўз кетганда, ер билан тиллашиб пахтаю дон, меваю полиз экинларидан катта хирмон кўтараётган деҳқон – фермерлари, турли соҳаларда муваффақиятларга эришаётган тадбиркорлари, касб-ҳунар эгаллаб, иқтидорини юзага чиқараётган ўғил-қизларини таърифламоқ лозим. Буларнинг барчасига биринчи навбатда мустақиллигимиз, ҳурлигимиз, давлатимиз раҳбариятининг тинчликпарвар сиёсати замин яратди. Юртбошимиз томонидан 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилингани эса бу гўшаларнинг янада ободликка юз тутишида катта аҳамият касб этмоқда.

Юрт ривожида миллатни ўзлигини асраган ҳолда дунёга юз тутишида миллий ҳунармандчиликнинг ўрни беназир. Юқорида таърифлаб ўтганимиздек, бу соҳанинг қадим қирралари айниқса қишлоқларда яхши асралган. Сизга бадиий каштачиликнинг моҳир устаси, чевар, қишлоқ аёлларининг зиёли вакиласи Сиддиқахон Маматова ҳақида сўз юритишни лозим топдик.

Бизнинг Ражабгарди қишлоғи тоғ адирликлари этагида жойлашган бўлиб, Фарғона вилоятининг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланади. Боғдорчиликка ихтисослашган бу гўшалар юртимиз аҳлини энг сара мевалар билан таъминлайди, десак хато бўлмас. Шу сабаб, қишлоқ эркаклари боғбонлигу деҳқончилик сирларини мукаммал эгаллашган бўлса, уларга яқин ёрдамчи бўлган аёллари оналигу бекалик вазифасини уддалаш билан бирга, ўз ҳунарларини авлоддан-авлодга етказиб келаётган моҳир чеварлардир. Сиддиқахон опа эса ўз бадиий каштачилик асарлари билан кўплаб танловларда иштирок этиб, муносиб ўринларни эгаллаб келаётган тадбиркор аёллардан бири. Шунингдек, опанинг ихчамгина уй музейи бўлиб, бу ерда қўл меҳнатларидан кўплаб намуналар қўйилган.

Каштачилик тарихига назар ташласангиз, бадиий каштачилик услуби ўта нозик бўлиб, айниқса унинг Фарғона услуби билан кам одам шуғулланади. Опанинг уй музейидаги асарлар билан яқиндан танишиб, бу йўналишнинг қай даражада нафис ва нозик, гўзал қирраларга бой эканлигига яна бир карра амин бўлдим. Ўзига хос услубда турли мавзуларда асарлар яратган инсон иқтидори, унинг яратувчи қўллари эса таҳсинга сазовордир.

Асарларга эътибор бераман. Табиат манзараси акс этган «Шукрона» композициясини Сиддиқахон опа, илк ижод намуналаримдан, дея таърифлаб ўтди. Унинг қизи Кибриёхон ва Меҳринигорлар билан биргаликда яратган «Ватаним», «Оила бахти», «Она сиймоси», «Келинчак», «Жалолиддин Мангуберди», «Улуғбек юлдузлари», «Соҳибқирон салтанат ўйида», «Алишернинг ёшлиги», «Она табиат», «Нодирабегим», «Деҳқонбобо» каби бир қатор асарлари, ранг-баранг натюрмортлари, халқ эртакларига ишланган ипак чизгилари беихтиёр хаёлингизни олади.

Рассомнинг хаёлларни олгувчи асарлар яратиши қай даражада машаққатли кечса, каштачиларнинг айнан мана шу чизгиларни ип билан акс эттириши игна билан қудуқ қазигандек гап. Миллий ва замонавий услубдаги бадиий каштачиликка асосланган нафис гулларга бурканган палак, ёстиқ жилдлари, қадимий дўппи нусхалари, бўғжама (кўрпа устига ёпқич), зардевор, аёллар сумкалари момоларимизнинг қай даражада қўли гул ва яратувчан бўлганлигидан далолат бериб туради. Хонадаги китоб жавонида тахлаб қўйилган қадимий қўлёзмалар, китоблар нусхалари ҳам мени беэътибор қолдирмади. 200-250 йил аввал яратилган юздан зиёд бу асарлар Навоий, Ҳувайдо каби шоиру олимларнинг китоблари, қўлёзмалари бўлиб, булар мустақилликка қадар аждодлар томонидан яширинча асралиб келинганлигини Сиддиқахон опа таъкидлаб ўтди. Уй музейидаги фахрий ёрлиқлар, дипломлар ҳам эътиборимдан четда қолмади. «Ташаббус – 2006» кўрик-танловининг Фарғона шаҳар босқичида энг фаол қатнашувчи номинацияси бўйича ғолиблик дипломи, «Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси учун ўтказилган «Ташаббус – 2007» кўрик-танловининг «Энг яхши тадбиркор аёл» дипломи, «Ташаббус – 2008» кўрик-танловларининг туман ва шаҳар босқичларида берилган фахрий ёрлиқ ва дипломлар, «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини оширишдаги хизматлари учун» фуқаролар йиғини томонидан тақдим этилган фахрий ёрлиқ лавҳамиз қаҳрамонининг жамоатчи, фаол, ишбилармон аёл эканлигидан далолат. Шу ўринда Сиддиқахон Маматованинг бу борадаги фаолияти, шогирдлари, истиқболдаги орзу ва режалари ҳақида сўз очсак.

– Бадиий каштачилик ишига қўл урганимга ўн йил бўлаяпти, – дейди опа шу ҳақда сўз кетар экан. – Чунки бундай кенг имконият ҳунармандларга фақат мустақилликдан кейингина насиб этди. Унга қадар мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритдим. Менинг каштачилик соҳасидаги биринчи устозим, аввало, онам. Мен улардан кўп нарса ўрганганман. Бу йўналишда нафақат тикишни, балки хилма-хил ранглар тайёрлашни ҳам ўзлаштирдим. Масалан, зирк дарахти томирини қайнатиб сариқ, чучукмия томиридан қизғич, анор пўстидан тўқ жигарранг... Албатта, асрлар оша ҳам ипакларга жило бериб турган рангини асровчи бу табиий бўёқларнинг бадиий каштачиликда катта ўрни бор. Ҳозирда бадиий каштачиликда яратган асарларимизга чет элликлар ҳам қизиқиш билдирмоқда. Чунки уларда миллий маданиятимиз ёрқин акс эттирилган. Айни дамда бир қатор шогирдларга устозлик қилаяпман. Келажакдаги мақсадларимдан бири шогирдларимни кўпайтириш. Айниқса, бир жойда ўтириб қолган ногирон инсонларга шу соҳани ўргатиш. Каштачилик бу инсонлар ҳаётига мазмун бахш этишига ишонаман. Шунингдек, моддий таъминотига ҳам ёрдам беради.

Сиддиқахон опанинг асарлари билан танишиш давомида бир нарса эътиборимни тортди. Яъни, ипак чизгиларидаги ўтмишга мурожаат, кўпроқ тарихий шахсларнинг акс эттирилиши. Бунга жавобан суҳбатдошим:

– Бўш пайтларимда тарихий асарларни ўқишни ёқтираман. Айниқса, Ватан тарихи, улуғ аждодларимиз тарихига жуда қизиқаман. Мана, яқинда «Ўғузхондан қолган мулк» асарини ўқиб чиқдим. Шунингдек, Амир Темур, Бобур Мирзо каби буюк сиймоларимизга оид тарихий асарларимизни қайта-қайта ўқийман. Албатта, буларнинг барчаси тарихий асарлар яратишимга замин яратади, – дея фикр билдириб ўтди.

Айни дамда Сиддиқахон Маматова беш фарзанд ва ўн тўрт набирага бош-қош бўлиб келаётган пиру бадавлат онахонлардан. Унинг эзгу мақсадларидан бири миллий анъаналаримиз уйғунлашган бадиий каштачилигимизни дунёга танитиш. Нияти эзгу инсон кўзлаган мақсадига албатта, етади.

Зулфия НОСИРОВА.

НАЗОКАТ ВА САХОВАТ СОҲИБАЛАРИ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилаётган алоҳида эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда. Айни вақтда хотин-қизлар юрт фаровонлигига, боғ-роғларнинг кенгайиши ва дастурхонимиз баракасининг ортишига ҳам муносиб улуш қўшаётир.

– Бугун мамлакатимиз хотин-қизлари барча жабҳаларда ўз фаоллигини намоён этмоқда, – дейди Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги «Хушнуд» фермер хўжалиги раҳбари Солия Матёқубова. – Юртбошимизнинг биз, хотин-қизларга кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли улкан ютуқларга эришаяпмиз. Ўзим 77 гектар ерда деҳқончилик қиламан. Техникамиз етарли. Тўғриси, бир вақтлар оддий қишлоқ аёли мулк эгаси бўлиб, бундай кўламдор ишларни амалга ошира олишини тасаввур ҳам қилиб бўлмас эди.

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасидан маълум қилишларича, ҳозир юртимизда ўн минг нафардан зиёд фермер аёл фаолият юритмоқда. Уларнинг манфаатларини муҳофазалашнинг мустаҳкам ҳуқуқий тизими яратилган. Мулк соҳибалари нафақат ўз хўжалигида деҳқончилик, чорвачиликни йўлга қўймоқда, балки тадбиркорлиги туфайли қишлоққа мини технологияларни ҳам фаол олиб кирмоқда.

– Ерга қанча меҳр берилса, деҳқонга шунча ҳиммат кўрсатади, – дейди Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги «Камолот» фермер хўжалиги раҳбари Мўътабар Жабборова. – Хўжалигимиз деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Ерларимизнинг мелиоратив ҳолати нисбатан кўп меҳнат талаб этгани боис, юқори ҳосил олишнинг ўзи бўлмайди. Аммо бир пайтлар зўрға 10 центнердан ҳосил олинган майдонларда ҳозир унумдорлик 35-40 центнергача етмоқда. Чорвачиликка катта эътибор қаратиб, туманимиз бозорларини сифатли қўй гўшти билан таъминлашга фаол улуш қўшиб келмоқдамиз. Бундан ташқари, уч гектар майдонда сунъий ҳавза ташкил этиб, балиқчиликни ривожлантиришга ҳаракат қиляпмиз.

Ҳозир қишлоқ хўжалигида етакчи кучга айланган фермер аёллар нафақат пахта ва ғалла етиштиришнинг жонкуяри, балки кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват кўрсатаётган, ободончилик ишларида фаол қатнашаётган саховатпеша инсонлар сифатида ҳам эл-юрт дуосини олмоқда.

– Беморларга ёрдам қўлини чўзиш, болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва рағбатлантириш, эҳтиёжманд инсонларга совға-салом улашиш каби хайрли тадбирлар энг яхши анъаналаримиздан ҳисобланади, – дейди Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги «Омад, ҳамкор, Ишонч» фермер хўжалиги раҳбари Мавлуда Умарова. – Юз гектардан кўпроқ майдонда деҳқончилик қиламиз. Меҳнатимизга яраша даромадимиз ҳам ошмоқда. Жумладан, ўтган йили 87 миллион сўм даромад олдик. Олинган фойда ҳисобидан қишлоқда оталар чойхонаси ва 30 ўринли болалар боғчаси қурдик. Тумандаги ногиронлар уйи ҳамда қишлоғимиздаги бир неча кам таъминланган оилани ҳомийликка олиб, уларга кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бераяпмиз.

Оилага ҳам, жамиятга ҳам файз киритадиган, хонадонларни меҳр-муҳаббат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган аёлларнинг бундай ишлари юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ёрқин самараларидандир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА шарҳловчиси.

АДАБИЁТ

ХОРАЗМНИНГ ДАРЁДИЛ ФАРЗАНДИ

Хоразм... Бу афсонавий, мафтункор ўлка наинки мамлакатимизнинг балки башариятнинг ноёб дурдонаси саналади. Муқаддас Аму жонбахш томири бўлган Хоразм саҳро ўртасида яралган бетакрор мўъжизадир. Тарихдан маълумки, бу мафтункор ўлкада жуда қадим замонлардан бошлаб ўтроқ турмуш тарзи ҳукмрон эди. Деҳқончилик ва суғориш тармоқлари, савдо ва ҳунармандчилик, маданият, маърифат беқиёс ривож топган. Дунё маданиятининг ноёб маънавий ёдгорлиги бўлган, инсониятни эзгулик ва бунёдкорликка чорловчи «Авесто» китоби ҳам шу ўлкада яратилган. Биргина мана шу ноёб дурдонанинг тарихи ҳам қарийб уч минг йилни ўз ичига олади. Олам аҳли кўп буюк инсонларни кўрди. Аммо Хоразм эли, Хоразм замини бу борада ҳам башар аҳлини лол этган. Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Рабғузий, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳий, Комил Хоразмий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз сингари буюклар яна қайси миллатда бўлиши мумкин.

Бугунги кунда ҳам Хоразмнинг етук олимлари, санъаткорлари, ижодкорлари, илм аҳллари мамлакатимиз равнақига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ана шундай забардаст ижодкорлардан бири шоир Матназар Абдулҳакимдир. Бу инсон ҳақида шоир Баҳром Рўзимуҳаммад шундай ёзган эди: «Одатда профессионал шоирликни ният қилган ижодкор пойтахтга кўчиб келади. Аммо устоз Матназар Абдулҳаким бундай қилмади. Ўз туғилиб ўсган уйини тарк этмади. Воҳада ижодий муҳит яратди. Мен ҳам, шу қатори Даврон Ражаб, Гўзал Бегим, Насиба Юсупова каби қаламкашлар у кишининг шогирдларимиз.

Қишлоқда яшаб ижод қилиб юрган шоирлар ҳам бор. Болтабой Бекматов, Жуманазар Юсупов, Йўлдош Эшмурод, Маҳмуд Ражаб сингари шоирларнинг битиклари пойтахтликларникидан кам эмас... Хуллас, хоразмлик ижодкорларнинг бахтига Матназар ака бор. Бир шоирнинг ўзи ҳам адабий муҳит яратиши мумкин экан».

Дарҳақиқат, бу Хоразмнинг дарёдил фарзандига берилган ҳақиқий, самимий, юксак баҳодир. Таниқли адабиётшунос Хоразм Маъмун академияси ташкил этилганидан бошлаб шу ерда ижод қилиб келади. Ўтган йиллар давомида Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Мирзо Абдулқодир Бедил, Муниснинг форсийдаги ғазалларини ўзбек тилига таржима қилди. Аждодлар мероси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориб, «Имон туҳфаси», «Ялдони ёритган нур», «Иккинчи муаллим сабоқлари», «Жайҳуннинг машҳур мироби» каби асарлар яратди.

Тарихимиз қўплаб нурли сиймоларнинг шоҳиди. Ана шундай буюк аждодларимиздан бири Паҳлавон Маҳмуддир. Буюк мутафаккир ижодини Матназар Абдулҳаким мукаммал тадқиқ этган. Бу ҳақда адабиётшунос олимнинг ўзидан эшитганимиз маъқул:

– Паҳлавон Маҳмуд жавонмардийлик тариқатининг йирик намояндаси эди. Бу тариқатнинг бошқа тилларда ҳам бир неча номлари бор. «Жавонмардий» сўзи форс тилида ёш йигит, ўспирин деган маъноларни беради. Бу маслакнинг араб тилидаги истилоҳи «футувват» деб аталади. Бу сўз ҳам форс-чадагига маънодош. «Фатий» араб тилида ёш йигит демакдир. Мазкур ҳаракат қандай аталмасин, у битта «ўспирин», «ёш йигит» деган маънони англатади. Ушбу фалсафа бутун жаҳон бўйлаб қанот ёйган. Бироқ жавонмардийликнинг ўтмишда Хоразм билан чамбарчас боғланганлигининг боиси шундаки, бу маъвода мазкур ҳаракатнинг йирик намояндалари Шайх Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуддек азизлар фаолият кўрсатганлар.

Тадрижий шаклланишлар жараёнида жаҳон маънавиятининг устунларидан бири ҳисобланган бу эзгулик ҳаракатининг бундай номга сазовор бўлиши тасодифий ҳол эмас. Чунки мардлик, саховат, ҳалоллик каби қатор инсоний фазилатлар борки, булар аввало ёшликда инсон руҳиятида шаклланади, қарор топади, инсоннинг бутун умри мобайнида оғишмай амал қиладиган хислатларига айланади.

Жавонмардийлик маслагининг ёшлик билан чамбарчас боғлиқ эканлигининг сабаби шундаки, жавонмардийлар ўзларининг олдига ожиз, чорасиз одамларга мадад кўрсатишни мақсад қилиб қўйганлар. Ожиз одамларга мадад кўрсатиш эса мададкорда ҳам жисмоний, ҳам руҳий қудрат заруратини тақозо қилган. Бу хислатлар эса аввало ёшликка, ёшларга хосдир. Мана шу маънода жавонмардийлик оқимига мансуб бўлган одамлар ўзларининг неча ёшдаликларидан қатъи назар аввало ўзларини, қолаверса, ўзларининг мададларига муҳтож бўлган одамларни навқирон бир руҳда ақлий жиҳатдан ҳам, эътиқод жиҳатидан ҳам барқарор бир кайфиятда бўлишлари учун курашганлар. Бу ҳолни тушуниш учун Паҳлавон Маҳмуд ҳазратларининг бир рубоийсини эслаш кифоя:

Зарб берсак агар, чарх фили яксон бўлғай,
Уфқ доираси ноғораи шом бўлғай.
Жой олса чумоли гар бизим сафлардан,
Давлатимиз туфайли арслон бўлғай.

Жавонмардийлар аксар кексаларга, ожизу ногиронларга кундалик турмушларини ўнглаб олишлари учун муттасил мадад кўрсатишни ўзларининг инсоний бурчлари деб билганлар. Бироқ, уларнинг бош мақсади ожизларни қудратли қилиб тарбиялаш бўлган. Улар кундалик фаолиятида, ижодий ишларида ўзларининг ана шу буюк мақсадларига оғишмай амал қилганлар.

Эй, дўст, қани, айт, жонми керак, жон берайин мен,
Ҳар не энг азиз, сен сўра, шул он берайин мен.
Эй кофири шаддод, агар қошима келсанг,
Зунноринг олиб, ўрнига иймон берайин мен.

Паҳлавон Маҳмуднинг мазкур рубоийси жавонмардийлик тариқатининг моҳиятини жуда очиқ ифода қилган. Шунинг учун ҳам Паҳлавон Маҳмуднинг ижодини ўрганиш, ўргатиш, тарғиб қилиш ёшларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бебаҳо восита ҳисобланади.

Хива яқинида «Зирри шайтон» деб аталадиган бир жой бор. Бу атама аслида «Зирҳи шаҳидон» сўзларини бузиб айтилишидир. «Зирҳи шаҳидон» дегани эса «шаҳидлар совути» демакдир. Ривоят қилинишича, Паҳлавон Маҳмуд жангларда шаҳид бўлган замондош ватандошлари учун ана шу жойда биродарлик қабристони бунёд этган экан. Дарҳақиқат, ул ҳазрат яшаган вақтлари Хоразм диёрида мўғул-тотор босқинчиларининг истилоси оқибатида халқнинг руҳи чўккан, тушкунлик кайфияти ҳукм сураётган давр эди. Буюк шоиримизнинг ўз ҳаётида жавонмардийлик дастуриламалларини танлагани ҳам бир жиҳатдан ана шу ҳол билан изоҳланарди.

Халқнинг сўнган руҳини қайтадан чақнатиш, уларнинг юрагида мустақил турмуш, озод ҳаётга бўлган умид чироқларини ёқиш керак эди. Шоир ҳаёти – унинг амаллари, унинг ўз шеърлари орқали тарғиб қилган ғоялари у ўзининг тарихий вазифасини, бурчини аъло даражада бажарганлигининг исботидир.

– Шаън-шавкатли тарихимизнинг ёшлар тарбиясида беқиёс ўрни бор. Бу борада тадқиқотчи олим сифатида айтар сўзингиз борлиги табиий.

– Тарих, бу – ибрат. Буни биргина улуғ Шайх Нажмиддин Кубро мисолида янада ёрқинроқ кўришимиз мумкин. Ул зоти шарифининг овозаси ўз давридаёқ оламга машҳур эди. Чингизхон ва унинг лашкарбошилари ҳам Кубро ҳазратларига илтифот кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Улуғ ватанпарвар душман илтифотига парво қилмасдан, этагига тош тўплаб, Урганч кўчаларида кетаётган омонсиз жангларга чиқди ва шаҳид бўлди. Шайх Нажмиддин Кубро Ватанни севган, дейиш камлик қилади. У Ватаннинг бир қисмидир, У Ватан бўлган зотдир. Ҳа, душманига «Менинг яқинларим бутун Хоразмдир» дея жавоб қилган бу буюк зотни ибрат деб кўрсатган бўлар эдим.



Матназар ака бир суҳбатида сўзга шундай таъриф бериб эди: «...бу заминда сўз нафақат маънавиятнинг, балки ҳаётнинг тимсолидир, кўзгусидир». Унинг қуйида Ватан ҳақида деганлари ҳам Хоразмнинг, миллатимизнинг дарёдил, фидойи фарзандини сизга янада яқиндан танитади, деб ўйлайман.

– Инсон ким бўлишидан, қандай фаолият юритишидан қатъи назар, унинг қадр-қиммати Ватанига муносабати, юртига муҳаббати билан ўлчанади. Ота-она ўз боласини одам қиламан деса, Ватан шу одамни инсонга айлантиради. Кишини улуғловчи ҳам, меҳнатини қадрловчи ҳам Ватан-да! Озми-кўпми эътиборга лойиқ иш қилган одам ҳақида гап борар-кан, аввало, унинг қайси халқ фарзанди экани билан қизиқилади. Ватан – бизнинг иккинчи онамиз, отамиз. Аммо Ватанни севаман дейишнинг ўзи қуруқ гап, Ватан учун меҳнат қилиш керак. Меҳнат муҳаббатнинг асл ифодасидир.

«Ватанпарвар» мухбири
Инобат ИБРОҲИМОВА суҳбатлашди.

КУТУБХОНА – МАЪНАВИЯТ ГЎШАСИ

Қадим-қадимдан ота-боболаримиз илму фан ва маданиятга интилиб яшаган. Бунда, шубҳасиз, нодир китоблар ва кутубхоналарнинг ўрни беқиёс. Чунончи, ҳазрати Алишер Навоий ҳомийлигида миниатюра, хаттотлик санъати ривожланган, шу билан бир қаторда кўплаб кутубхоналар барпо этилган. Кейинчалик ҳам кўплаб улуғ маърифатпарварларнинг саъй-ҳаракатлари билан янги услубдаги мактаблар очилиб, дарсликлар ёзилгани, янаям кўпроқ кутубхоналар барпо этилгани тарих саҳифаларида муҳрланиб қолган. Ҳатто, ҳукмдорлар ҳам бебаҳо китобларни жамлаш учун сарой кутубхонасини нодир китоблар билан бойитгани ҳам эътирофга сазовор. Зеро, маънавий етуклик авваломбор китоб ўқишдан бошланади. Ундан олинадиган маънавий бойликнинг, шавқи-завқнинг чегараси йўқ. Яхши китоб инсонни ҳаяжонга солади, фикрлашга ундайди, тафаккурини бойитади. Шу боисдан ҳам юракдаги эзгу ҳислар, она алласи билан бир қаторда ўқилган китоблар таъсирида ҳам камол топади.

Ислоҳотлар сабаб, миллий армиямизда янгиланишлар, ўзгариш кўп. Эндиликда Ватанимиз осойишталиги учун хизмат қилишга бел боғлаган ўғлонлар жисмонан етук, жанговар ва техник билимларни пухта ўзлаштирганликлари билан бир қаторда ижтимоий-сиёсий тайёргарликдан ҳам юқори натижага эришиши, интелектуал салоҳияти юксак бўлиши, бир сўз билан айтганда, профессионал армия посбони деган шарафли номга муносиб бўлишлари талаб этилади. Чунки маънавиятли, маърифатли посбон ўзлигини англаган юрт ҳимоячисидир. Кўп китоб ўқиган посбоннинг дунёқараши кенг, маҳорати юксак бўлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда айни вақтда Қуролли Кучларимизда ҳарбий қисм ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган кутубхоналар ишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти кутубхонасида амалга оширилаётган ишлар бўлажак офицерларнинг ҳар томонлама мукаммал билим олишларида катта аҳамият касб этмоқда. Биз Қуролли Кучлар хизматчиси Ажар Аҳмедова хизмат қилаётган билим юрти кутубхонасида турли адабиётларни мутолаа қилаётган курсантларни кўриб, уларнинг китобга меҳри нечоғлик баланд эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

–Ҳозирги кунда кутубхонамиз фондида ўттиз мингдан ошиқ адабиётлар мавжуд, – дейди Ажар Аҳмедова. – Улар орасидан ўқув қўлланмалари, ахборотнома, энциклопедиялар билан бир қаторда бадиий, илмий, ҳуқуқий китоблар ҳам ўрин олган. Шу сабаб бу ерда ҳар бир курсант ўз қизиқишидан келиб чиқиб китоб ўқиш имкониятига эга. Меҳнат фаолиятим давомида шу нарсага амин бўлдимки, курсантларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Улар билим юрти ўқув дастурига киритилган фанлар бўйича билимларини мустаҳкамлаб боришга интилишади. Шу билан бирга бадиий китобларни ўқишга ҳам қизиқишади. Курсантларга қулайлик туғдириш мақсадида яқин кунларда кутубхонамизда электрон кутубхона иш бошлаш арафасида. Айни пайтда асосан ўқув адабиётларнинг электрон вариантлари компьютерга киритилмоқда.

– Дарслардан сўнг билимларимни бойитиш мақсадида китоб мутолаа қилиб, бўш вақтларимни сермазмун ўтказишга ҳаракат қилаяпман, – дейди курсант Комил Исманов. – Кутубхонани билимлар макони дейишади. Китоб эса бебаҳо хазинадир. У билан ошно тутинган кишида инсонийликнинг энг сара фазилатлари шаклланади. Шу билан бирга бурчга садоқат, Ватанга муҳаббат каби энг муқаддас туйғулар ҳам китоб орқали қалблардан жой олади.

– Кўп китоб ўқиган инсоннинг дунёқараши, фикрлаш доираси ҳам кенг бўлади,– дейди яна бир китобсевар курсант Нуриддин Чўлиев. – Ватан посбони нафақат жисмонан чиниққан балки, маънан етук бўлиши керак. Шу боисдан ҳам бу ерда билимимни мунтазам равишда ошириб боришга интилаяпман. Кутубхонамизда эса биз учун керакли барча адабиётлар мавжуд. Бу эса менга жуда қўл келаяпти.



Гувоҳ бўлганингиздек, курсантлар орасида бўш вақт бўлди дегунча, китоб мутолаа қилишга ҳаракат қиладиган йигитлар жуда кўп. Бу жуда қувонарли ҳол, албатта. Зеро, маърифатга интилиб яшаган инсон, табиийки, комилликка эришади.

Зарнигор СУЮНОВА.
Яшин ҲАКИМОВ суратга олган.

АЖДОДЛАРИМИЗ

МИРЗО УЛУҒБЕК ВА ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИ

Самарқанд шаҳрида “Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси” мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аждодларимиз томонидан яратилган маданий-маънавий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш, давлатчилигимиз тарихини чуқур ўрганиш, ўзлигимизни англаш ва намоён этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Самарқанд шаҳрида ўтган “Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси” мавзуидаги халқаро илмий конференция улуғ алломанинг илмий ва маънавий меросини чуқур ўрганишга бағишланди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти, Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилди. Унда мамлакатимиз ва Франция, Италия, Россия, Туркия, Япония, Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Бангладеш, Озарбойжон сингари хорижий давлатларнинг етакчи олимлари, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Халқаро анжуман иштирокчилари Мирзо Улуғбек ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Расадхона ва Улуғбек музейи фаолияти билан танишдилар. Қадим Самарқанднинг Шоҳи Зинда, Гўри Амир, Регистон сингари муаззам обидалари хорижлик меҳмонларда катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотди. Конференция қатнашчилари истиқлол йилларида Самарқанд шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо бердилар.

Халқаро илмий конференцияни Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов очди. Тадбирда ўзбек халқининг бой давлатчилик тарихи, улкан илмий ва маданий мероси хусусида сўз юритилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2009 йилни «Халқаро астрономия йили» деб эълон қилгани, бу фан ривожида буюк ўзбек қомусий олими Мирзо Улуғбекнинг беназир ҳиссаси борлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳар бир халқнинг маънавий қиёфасини унинг тарихи, миллий салоҳияти, урф-одат ва анъаналари белгилайди. Бу борада юксак илмий мероснинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғлаган, Буюк ипак йўлидаги турли цивилизациялар туташадиган муҳим чорраҳа саналган қадим ва бетакрор юртимиз азалдан олиму уламолари, фозилу фузалолари, шоиру шуаролари билан довруқ қозонган. Она заминимизда туғилиб, камолга етган улуғ алломалар дунёвий ва диний илмлар тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар.

Буюк боболаримиз тафаккури ва даҳоси маҳсули бўлмиш минглаб асарлар, тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид ноёб қўлёзмалар бизнинг бебаҳо маънавий бойлигимиздир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бундай бой меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

Ўнлик саноқ системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Европада Ал-Фраганус номи билан машҳур бўлган Аҳмад Фарғоний, қомусий тафаккур соҳиби Абу Райҳон Беруний, медицина фанининг отаси саналган Абу Али ибн Сино, араб тили грамматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиққан Маҳмуд Замаҳшарий, ўзида мингдан зиёд юлдузлар ҳаракатини жамлаган астрономик жадвал яратган Мирзо Улуғбек сингари дунё аҳлини ҳайратга солган улуғ мутафаккирларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бундай юксак ифтихор туйғуси бизни ҳеч кимдан кам бўлмаган халқ сифатида ифтихор билан яшашга, аждодларга муносиб авлод бўлишга даъват этади.

Мирзо Улуғбекнинг умумбашарий қадриятларга қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмоқда ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат қилмоқда, деб таъкидлайди Президентимиз. Буюк аждодимиз Улуғбек номи берилган маънавият масканлари, кўчалар ва шаҳарлар жуда кўп. Юртимизда дунёга кўз очаётган ҳар ўн чақалоқнинг бирига эзгу ният билан Улуғбекнинг исми берилаяпти, деб айтсак, муболаға бўлмайди, деган эди.

1994 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллуди халқаро миқёсда кенг нишонланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1994 йил «Улуғбек йили» деб эълон қилинди. Аллома юбилейи муносабати билан Франция пойтахти Париж шаҳрида – ЮНЕСКО қароргоҳида бўлиб ўтган халқаро форумда иштирок этган мамлакатимиз олимларининг илмий маърузалари дунё ҳамжамияти эътиборини тортди.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида Улуғбек илмий меросини ўрганиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аллома яшаган давр, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги китоблар, илмий мақолалар, бадиий асарлар ёзилмоқда. Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», «Илму нужум. Астралогия» асарлари нашр этилди.

Тарихчи олим А.Аҳмедовнинг «Ўрта асрларнинг буюк алломаси», «Улуғбек Муҳаммад Тарағай», “Мирзо Улуғбек ва унинг «Тарихи арба улус» асари ҳақида», У. Уватов ва Ф. Каримовнинг «Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида» китоблари нашрдан чиқди. Академик Б.Валиҳўжаевнинг «Мирзо Улуғбек даври мадрасалари» рисоласи ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

“Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий фаолияти халқимиз маънавиятининг пойдеворига қўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, юртимизда бундан неча замонлар олдин фундаментал фанларни ривожлантиришга қанчалик катта аҳамият берилганини кўрсатади. “Зижи жадиди Кўрагоний” деб номланган Улуғбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалгани фикримизнинг яққол исботидир”, деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида.

Буюк аллома яратган Самарқанд илмий мактаби фақат олий ўқув юртигина эмас, ўша даврнинг академияси эди. Бу илмий мактабда 200 дан ортиқ олим фаолият юритган. Улуғбек Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абул Аббос Жавҳарий, Холид Марваррудий, Аҳмад Марвазий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний сингари боболаримизнинг илмий анъаналарини давом эттирди.

Шарқ мамлакатларидаги илмий анъаналарга кўра, фалакиёт соҳасида яратилган асарлар «Зиж» деб аталган ва улар асосан жадваллардан иборат бўлган. Улуғбек илмий меросининг гултожи – унинг «Зиж»идир. «Зижи Улуғбек», «Зижи жадиди Кўрагоний» номлари билан шуҳрат қозонган бу асар фалакиёт илмининг назарий ва амалий масалаларини қамраб олган дурдона асардир.

«Зиж» икки бўлимдан: кенг муқаддима ва 1018 собита юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат. Муқаддиманинг ўзи тўрт қисмни ташкил қилади. Биринчи қисм тақвим масалаларига бағишланган. Бундан ташқари, ушбу қисмда Туркий мучал йиллари ҳақидаги тушунча ҳам муфассал баён этилган.

Муқаддиманинг иккинчи қисми 22 бобдан иборат. У асосан математика ва сферик астрономия масалаларига бағишланган. Бу қисмда юлдузларнинг баландлиги ва улар ўртасидаги масофа, меридиан чизиғи, узунлик ва кенгликни ўлчаш йўллари кўрсатилган. Учинчи қисмда Қуёш ва Ойнинг ҳаракати баён қилинган. Қуёш ва Ой тутилишининг аниқ вақтлари ва уни аниқлашнинг ўтмишдаги ва Улуғбек давридаги йўллари кенг таҳлил қилинган. Олим қуёш ва ойнинг ҳаракатини тўғри ҳисоблаган ва бу ҳисоб-китоб ҳозирги ҳисоб-китобдан деярли фарқ қилмайди.

Улуғбек ҳисоби бўйича юлдуз йили 365 кун 6 соат 10 дақиқа 8 сонияни ташкил этади. Бугунги кунда бир юлдуз йили 365 кун 6 соат 9 дақиқа 6 сонияга тенг. Фарқ – 1 дақиқа 2 сония, холос.

“Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, беихтиёр 1996 йили Парижда ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош директори Федерико Майор жаноблари билан бўлган бир суҳбат ёдимга тушади, – деб ёзади Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида. – Ўшанда жаноб Майор Улуғбекнинг илмий меросини юксак баҳолаб, унинг юлдузлар ҳаракатига оид ҳисоб-китоблари бугунги кунда компьютер ёрдамида текшириб кўрилганда атиги бир неча дақиқага фарқ қилиши аниқланди, деган гапни айтиб қолди. Шунда мен унга қараб, йўқ жаноб Федерико Майор, Улуғбек хато қилган бўлиши мумкин эмас, балки компьютерлар хато қилган бўлиши мумкин, деган эдим”.

Дарҳақиқат, дунё илм-фанига улкан ҳисса қўшган Улуғбек “Зиж”и ўрта асрлардаёқ Осиё ва Европа мамлакатларига кенг кириб борган. Маълумотларга кўра, «Зиж»нинг юзга яқин форсий ва ўн бешдан ортиқ арабий нусхаси мавжуд. Европалик машҳур астроном олимлар уни лотин, француз, инглиз тилларига таржима қилган, шарҳлар битган. Ўрта асрларда ёзилган ҳеч бир астрономик ёки математик асар бунчалик оммавий ва кенг маълум бўлмаган.

Конференцияда сўзга чиққан халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллари, олимлар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимизни юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, буюк аллома меросини ўрганишдаги ютуқлар ҳақида, Улуғбекнинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаси хусусида гапирдилар.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Эспинал қадимий Самарқандинг инсоният цивилизациясида тутган ўрни ва аҳамияти, Мирзо Улуғбекнинг дунё илм-фанига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида сўз юритди. Улуғбек раҳнамолигида бунёд этилган расадхона ва мадрасалар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. У яратган илмий мактаб Хоразм Маъмун академияси анъаналарининг уйғун давомчиси сифатида улкан аҳамиятга эга. Бугунги кунда ҳам Самарқанд маданиятлараро мулоқот ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга беқиёс ҳисса қўшмоқда. Президент Ислом Каримовнинг барқарор тараққиётни таъминлашга, жумладан, илм-фан, маданият, таълимни ривожлантиришга қаратилган сиёсати ўзининг юксак самараларини бермоқда. Юксак илмий салоҳият, сиёсий барқарорлик, ёшларга қаратилаётган алоҳида эътибор



Ўзбекистон тараққиётининг бош омилларидандир. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ташкил этилди. Улуғбек мактаби анъаналарини давом эттирадиган мазкур институт халқаро илмий алоқаларни янада ривожлантиришга, энг илғор фан ютуқларини тарғиб этишга хизмат қилади.

Париждаги Темурийлар жамияти асосчиси, профессор Фредерика Бressан Мирзо Улуғбекнинг илмий ва ижтимоий фаолиятига тўхталди. Мирзо Улуғбек буюк бобоси сингари мамлакатда тинчлик ўрнатди, юрт фаровонлигига алоҳида эътибор қаратди. Мадраса ва масжидлар, расадхона, кўприк ва йўллар қурдирди.

Хорижлик меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берди. Самарқанд нафақат кўҳна, балки замонавий шаҳар, илм-фан ва саноат маркази сифатида ҳам қадимий анъаналарини давом эттирмоқда. Мамлакатдаги осойишталик, халқнинг фаровон турмуши, одамларнинг очиқ чеҳраси, эртанги кунга ишончи диққатга сазоворлиги қайд этилди.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, профессор А. Аҳмедов, Астрономия институти директори Ш. Эгамбердиев ва бошқалар Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожида тутган ўрни, илмий меросини ўрганишнинг ютуқ ва истиқболлари, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди.

Халқаро конференцияда Мирзо Улуғбек даврида олий таълим, мадрасалар ва уларда ўқитиш тизими масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондлари ҳамда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети илмий кутубхонасида сақланаётган қадимги қўлёзмаларга қараганда, Самарқанд мадрасаларида математика, механика, астрономия, тиббиёт, фалсафа сингари дунёвий фанлар, шунингдек, диний фанлар кенг ўқитилган. Мирзо Улуғбек мадрасасида Ғиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи сингари буюк алломалар дарс берган.

Конференция доирасида Улуғбек мадрасасида Ўзбекистонда таълим тарихига бағишланган кўргазма ташкил қилинди. Унда таълим тарихи, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даври, XIX-XX асрлардаги таълим ҳақидаги экспозициялар намойиш этилди. Бунда, айниқса, мамлакатимизда истиқлол йилларида таълимни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга бағишланган стендлар катта қизиқиш уйғотди.

Анжуман ўз ишини секция мажлисларида давом эттирди. Уларда Мирзо Улуғбекнинг олим ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятининг барча жиҳатлари, илмий меросини янада чуқур ўрганиш имкониятлари батафсил муҳокама қилинди.

Халқаро илмий конференциянинг очилишида Самарқанд вилояти ҳокими Ў.Барноев иштирок этди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

МАЪНАВИЯТ

ОЛАМНИ АСИР ЭТГАН МУМТОЗ ОҲАНГЛАР

Мақом ўз салмоғи ва мазмуни билан кўпгина Шарқ халқлари мусиқа меросининг асосий қисмини ташкил қилади. У шаклан ва услубан ранг-баранг оҳангдор куй ва ашула йўлларидан иборат. Хусусан, ўзбек мумтоз мусиқасида Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари, шунингдек, ёввойи мақом, сурнай, дутор мақом йўллари юзага келган. Миллий мусиқа меросининг салмоқли қисмини ташкил этган мақом номидаги чолғу ва айтим мусиқа асарлари ўтмиш бастакорлик ижодиётининг мумтоз маҳсули бўлиб, асрлар давомида бизгача етиб келган. Ана шу олтин меросимиз дурдоналаридан бугун бутун дунё баҳраманд бўлмоқда. Бунда мақом санъатининг устаси, бетакрор овоз соҳибаси Муножот Йўлчиеванинг муносиб ҳиссаси бор.

МЕН СУВ ИЧГАН ДАРЁЛАР

Бастакор Шавкат Мирзаев номи санъат ихлосмандларига яхши таниш. У таниқли бастакор Муҳаммаджон Мирзаевнинг фарзанди. Қашқар рубобининг моҳир ижрочиси бўлган Муҳаммаджон Мирзаев мазкур сознинг оммалашуви ва репертуарининг бойишига катта ҳисса қўшган. Бастакорлик фаолиятида янгича талқин йўлларини кашф этиб, ўз мактабини яратган санъаткорлардан эди. Бу мактаб ўз навбатида унинг фарзандини ҳам элга танитди.

Устоз санъаткор Маъмуржон Узоқов ўгитларидан баҳраманд бўлиш менга ҳам насиб этган, – дейди Шавкат Мирзаев. – Улуғ санъаткорлар билан ёнма-ён ижод кейинги фаолиятимнинг сермаҳсуллигини белгилаб берди. Отам ҳам қаттиққўл устозим эди. Консерваторияга тенгдошларимдан бироз кечроқ ўқишга кирдим. Аммо бу пайтга келиб, устозларимдан олган илмни мустақил равишда қўллай бошлаган эдим.

ҲАМ ТАЛАБА, ҲАМ УСТОЗ

Тошкент консерваториясидаги таҳсил йилларида Шавкат Мирзаев ана шундай мақом, яъни – ҳам талаба, ҳам устоз мақомига эга эди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бўлган. Юқорида маҳоратли бастакоримизнинг ўқишга тенгдошларидан бироз кечроқ киргани ҳақида айтиб ўтган эдик. Унинг бастакорлик иқтидори ҳали болалик чоғлариданоқ намоён бўлган эди. Ёш бастакор консерваторияга келмасдан аввалроқ қўшиқчилар билан ишлай бошлади ва бу борада озми-кўпми тажриба тўплади.

Бугун миллий меросимиз довруғини Европага кўз-кўз қилаётган севимли қўшиқчимиз Муножот Йўлчиева билан ҳам ижодий ҳамкорлик айнан шу ердан бошланган. Уни илк бор тинглаб кўрган бастакор қаршисида куйлаётган ёш қизнинг ноёб овози ва истеъдодини ғоят сезгирлик билан илғаб олди. У янглишмаган эди. Муножот нодир овоз соҳибаси эди. Тинимсиз меҳнат, устозлар ўгити билан унинг овози янада сайқалланди. Бугун бу овоз сеҳри санъат ихлосмандлари қалбини забт этиб улгурди.

– Албатта, мумтоз мусиқа санъати ҳаммага ҳам бирдек тушунарли эмас, – дейди Шавкат Мирзаев. – Уни англаш, ҳис қилиш, тушуниш учун киши бу санъатдан озми-кўпми хабардор бўлиши керак. Мен бу ўринда мумтоз мусиқа санъатидан ваъз ўқиш фикридан йироқман. Эътиборингизни фақат биргина нарсага қаратишингизни истардим: Муножотни тинглаб кўринг, қўшиқларини тинглаб биргина «и» товушининг айтилишига диққат қилинг-а. Шунда сиз бу бетакрор овоз сеҳрига тан берасиз, мумтоз санъат мўъжизасини ҳис қиласиз. Биз қатор Европа давлатлари бўйлаб гастролларда бўлдик. Бельгияда ўтган концертда шундай воқеа бўлган эди: Концертдан сўнг Муножот Йўлчиевани қутлаш учун ташриф буюрганлар орасида бири ўн, иккинчиси ўн икки ёшлардаги болалар кечагидек ёдимда. Улар оталари билан келиб, қўшиқчимизга унинг бетакрор овози ва мумтоз мусиқамиздан беҳад ҳайратга тушганларини билдиришган. Ўз навбатида мени ҳайратга солган нарса ёш бўлишларига қарамасдан ҳақиқий санъатни қадрлаб, мафтун бўлганликлари, тан берганликларидир.

Ҳа, ҳақиқий санъат сарҳад билмасдир, ҳақиқий санъат миллат танламайди, у қалбларга, инсон руҳиятига ўзи йўл топади. Муножот Йўлчиева мумтоз мусиқамиз уйғунлигида ноёб овози билан шу тарзда ёш қалбларни ҳам забт этди.

«НАЗМ ВА НАВО»

Бир вақтлар телевидение орқали бериладиган «Назм ва наво» кўрсатуви анчагина машҳур эди. Мазкур кўрсатув халқимизга кўплаб мақомнинг моҳир ижрочиларини танитди. Бетакрор овоз эгаси Муножот Йўлчиева ҳам айнан ана шу кўрсатув орқали элга танилди.

Устоз ва шогирд дастлабки ишни талаблари анчагина қаттиқ бўлган келишув асосида бошлаганмиз, – дейди Шавкат Мирзаев. – Булар овозни асраш ва янада сайқал бериш, ягона мақсад йўлида меҳнат қилиш, енгилтак шуҳрат кетидан қувмаслик, мақом сирларини мукаммал эгаллаш, ишдан ажралган ҳолда фақат таҳсил олиш билан шуғулланиш ва ҳоказолар. Ана шу келишувдан кейин ижод қилишни бошладик. Қайси қўшиқни тайёрлаш устида узоқ бош қотирдим. Ниҳоят, ҳазрат Алишер Навоий қаламига мансуб «Қаро кўзим» ғазалига тўхталдим. Қўшиқ ҳазрат таваллудининг 539 йиллиги арафасида тайёрланди. Мазкур санага бағишланган «Назм ва наво» кўрсатувида Муножот илк бора «Қаро кўзим» қўшиғини ижро этди... ва саноқли дақиқалар ичида уни бутун Ўрта Осиё таниди.

Дарҳақиқат, шундан буён у халқимизнинг севимли санъаткорларидан бирига айланди. Бугун унинг шарали овозини истаган вақтимизда тинглаш имкони бор. Ёдимда, қишлоқ кутубхоначиси Муҳаббат опа Муножотнинг қўшиқлари ёзилган пластинкани олис пойтахтдан олиб келгандилар. Ва шу пластинкани навбатма навбат қишлоқдошлар уйларига олиб кетиб тинглардилар. Қишлоққа борганимда ҳамон жавонларда сақланаётган ана шу пластинкаларни кўраман. Ёшлик хотираларини эсга соладиган пластинкаларни қўлларимда тутганча халқимиз асл санъатни қанчалар қадрлашини дилдан туяман.

Эл ардоғидаги севимли қўшиқчимизнинг репертуари ниҳоятда бой. Эндиликда унинг репертуаридан жой олган «Сарахбори Наво», «Сарахбори Дугоҳ», «Мўғулчаи Наво», «Талқини Ушшоқ» каби мақом йўллари, «Ушшоқ», «Муножот», Чоргоҳ», «Тановор», «Ўзганча», «Гиря» ва бошқа қатор ўзбек мумтоз ва халқ ашулалари, «Эй, дилбари жононим», «Ишқинг ўтиға» каби катта ашулалар, шунингдек, таниқли бастакорлар Муҳаммаджон Мирзаев, Шавкат Мирзаев ижодларига мансуб «Ниҳот этди», «Меҳнат аҳли», «Бул ажаб», «Раъно киби», «Қаёндир» каби қўшиқлари халқимиз қалб тўридан жой олган. Мазкур қўшиқларни ҳофиза чуқур ҳиссиёт ва дардли нолалар билан, ўзига хос тарзда, юракдан, ўзигагина хос ноёб овози билан ижро этиб келмоқда.

Устози, машҳур бастакор ва созанда Шавкат Мирзаев бошчилигидаги мусиқачилар гуруҳи билан Осиё, Европа, Африка мамлакатларида гастролларда бўлди.

ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ЗАФАРЛАР

Мамлакатимиз улуғ истиқлолнинг хуш насимларидан баҳраманд бўла бошлаган йиллар севимли санъаткоримиз ижодида ҳам янги бир даврни бошлаб берди. Эндиликда унинг бетакрор ижодига қизиқувчилар сони нафақат юртимизда балки хорижда ҳам орта бормоқда эди. Бугунги кунда уни мусиқа қонун-қоидаларини мукаммал эгаллаган санъаткор сифатида эъзозлайдилар. Мусиқа қонунлари эса сарҳад билмасдир.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида мусиқанинг улкан тарбиявий аҳамияти ҳақида шундай дейилади: «инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди. Халқимиз ҳаётида мусиқа азалдан беқиёс ўрин тутиб келади.

Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва позик инсоний кечинмаларни ифода этади. Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» китобида Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, «Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эдилар. Ва турку мўғул, хитойу араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди», деган маълумотларни келтиради.

Мустақиллик йилларида, улуғ боболаримизнинг ана шундай анъаналарини давом эттирган ҳолда, мамлакатимизда мусиқа санъатини кенг ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодга безавол етказиш мақсадида кўплаб кўрик-танловлар, нуфузли халқаро мусиқа анжуманлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда».

Муножот Йўлчиева ана шундай нуфузли анжуманлардан бири «Шарқ тароналари» биринчи халқаро мусиқа фестивалида биринчи мукофот совриндори бўлди. Бундан ташқари унинг санъат соҳасидаги фидокорона меҳнатлари давлатимиз томонидан юксак баҳоланиб, 1998 йилда «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

Парижнинг машҳур Де ля Вилл театрини билмаган



ёки эшитмаган одам топилмаса керак. Мазкур даргоҳда концерт бериш таниқли санъаткорларнинг барчасига ҳам насиб этавермайди. Аммо номзодлар, яъни концерт бериш истагида бўлганлар бениҳоя кўп. Бу албатта ўз ўзидан бўлиб қоладиган жараён эмас. Бизнинг севимли қўшиқчимиз Муножот Йўлчиевага бу борада омад кулиб боқди. Буни омадга йўйиш бироз нотўғри, албатта. Бу тинимсиз изланиш, меҳнат маҳсулидир. Қўшиқчимизни эксперт-мутахассис бир йил давомида ўрганди ва ниҳоят ўз хулосаларини тақдим қилди.

Мазкур концерт уни Европага танитди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, мазкур концертга йигирмага яқин давлатдан эксперт мутахассислар чақирилган бўлиб, улар ватандошимизнинг санъатига юксак баҳо бердилар. Айниқса, Швейцарияда бўлиб ўтган концертда қўшиқчимизга берилган баҳони эшитиб қувонмаслик мумкин эмас: «Шу юз йилликда келган энг яхши санъаткор!»

Италия санъат соҳасида унча-мунча давлатларни ортда қолдириши шубҳасиз. Бизнинг Муножот Италияни ҳам сеҳрлади. Қандай қилиб дейсизми?

Концерт бошланиши олдидан санъаткорларимизни шундай огоҳлантиришди: бу ерда, яъни Италияда концерт давомида тингловчилар бемалол ўзаро гаплашиб, кулишиб ўтиришлари табиий ҳол, бундан таажжубланмаслик ва ҳоказо, ҳоказолар. Ниҳоят концерт бошланди. Зал тинчлана бошлади ва... сув қўйгандек тинчиди. Бу тинчликда мумтоз мусиқамиз ва Муножотнинг бетакрор овози жаранглади...

Мустақиллик шарофати билан бошланган янги давр санъаткоримиз учун ана шундай мисли сиз муваффақиятлар келтирди. У шу кунларда ҳам тинимсиз ижод билан банд. Навоий ғазали «Ашрақат» (Офтоб нурининг жилваланиши) устида устоз ва шогирд ишламоқдалар. Мумтоз қўшиқчилик санъати устаси Муножот Йўлчиева келажакда улкан ишларни режалаштирган. Эҳтимол яқин вақтлар ичида мумтоз қўшиқчилик санъатимизда Муножот Йўлчиева мактаби очилар. Бу эзгу иш айни муддао бўлур эди.

Азиз ўқувчи, биз имкон қадар севимли санъаткоримиз ҳақида ҳикоя қилишга ҳаракат қилдик. Аммо у ҳақида юз бора гапирганимиздан кўра бир бора сел бўлиб тинглаганимиз маъқулроқ. Бунинг учун яна бир имконият мавжуд. Севимли қўшиқчимиз яқин кунларда «Истиқлол» санъат саройида концерт дастурини намойиш этади.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

СПОРТ

Бокс

ИККИ БОКСЧИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ



Хитойда бокс бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда қатнашган 11 нафар боксчимиздан беш нафари қитъа биринчилигининг совриндори бўлди. Эътиборли жиҳати, совриндор боксчиларимизнинг барчаси Марказий ҳарбий спорт клуби вакилларидир.

Боксчиларимиз Осиё чемпионатининг 2 та олтин ва 3 та кумуш медалларини қўлга киритишди. Терма жамоамиз ҳисобига дастлабки олтин медални 64 кг. вазн тоифасида рингга чиққан Санжар Раҳмонов олиб келди. У финалда эронлик боксчи Карамин Хуманни 16:8 ҳисобида мағлуб этди ва Осиё чемпионлигини қўлга киритди. Санжар шу кунларда ҳарбий хизматга, МҲСК вакили бўлишга чоғланмоқда.

Иккинчи олтин медаль МҲСК аъзоси, «Хизмат кўрсатган спортчи», шартнома бўйича хизмат оддий аскари Элшод Расуловга тегишлидир. Бу боксчимиз яқинда Туркияда ўтказилган йирик халқаро мусобақада ҳам муваффақият қозонганди. У Истанбулда финалга қадар етиб бориб, сўнгги жангда имкониятни бой берган ва Гран-при туркумига кирувчи халқаро мусобақанинг кумуш медалига сазовор бўлганди. 81 кг. вазнли боксчимиз Хитойдаги ринг жангларини ҳам муваффақиятли ўтказди. Айниқса, финал учрашуви унинг учун осон кечмади. Чунки рақиби чемпионат мезбонлари вакили – хитойлик Мен Фаньхуа эди. Шунга қарамай боксчимиз финалда ишончли жанг қилиб, рақиби устидан 12:6 ҳисобида ғалаба қозонди ва терма жамоамизнинг олтин медаллари жуфт бўлишини таъминлади.

Шартнома бўйича хизматчи, кичик сержант Тўлашбой Дониёров (54 кг.), МҲСК вакиллари Хуршид Тожибоев (57 кг.) ва Сардор Абдуллаев (+ 91 кг.) Осиё чемпионатининг кумуш медалларини қўлга киритишди.

16 июнь куни Тошкент халқаро аэропортида юртимиз спорт жамоатчилиги ва мухлислар боксчиларимизни тантанали равишда кутиб олишди.

Р. ЭРМУҲАММАД.

Эшкак эшиш

ҲАМЮРТИМИЗ ЖАҲОН КУБОГИ ҒОЛИБИ

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича жаҳон кубоги учун олиб борилган уч босқичли 2009 йилги мусобақалар ўз ниҳоясига етди. Европанинг уч мамлакатида ўтказилган баҳслар умумий ҳисобда ҳамюртимиз Вадим Меньковнинг ажойиб ғалабаси билан якунланди.



Жаҳон кубоги учун баҳслар уч босқичли бўлиб, унинг ҳар бир босқичида ғолиб ва совриндорлар аниқланади. Ўтказиладиган уч босқич умумий якунларига кўра ҳам жаҳон кубоги совринлари таъсис этилган.

Биринчи босқич баҳсларига май ойида старт берилган эди. Илк баҳслар Чехияда ўтказилди. Мураббий Александр Понамарёв бошчилигидаги байдарка ва каноэчиларимиз дастлабки босқичдаёқ дунёнинг кучли спортчиларига муносиб рақобатчи бўлишларини намойиш этишди. Жумладан, Мирзиёд Хўжаев, Мирей Медетов, Герасим Кочнев ва Серик Мирбековдан иборат тўртлигимиз биринчи босқичнинг «С-14» баҳсларида жаҳон кубогининг кумуш медалини қўлга киритиши кўпчилик мутахассислар учун кутилмаган ҳол бўлди. Моҳир спортчимиз, Осиё чемпионати ва Осиё ўйинлари ғолиби Вадим Меньков эса 500 метрлик масофа бўйича пойгада маррага биринчи бўлиб етиб келди. 1000 метрлик масофа бўйича баҳсларда у иккинчи натижани кўрсатди ва спортчимиз дастлабки босқичдаёқ жаҳон кубогининг биттадан олтин ва кумуш медалларига сазовор бўлди.

Иккинчи босқич баҳслари Польшанинг Познань шаҳрида бўлиб ўтди. Бу сафар каноэчимиз 1000 метрлик масофада ғолиб чиқди. 500 метрлик масофада эса бироз омадсизликка учради. Рақобатчиларнинг бу масофада илк босқич ғолибини кўз остига олиб уринишлари самара берди ва уч нафар каноэчи Вадимни ортда қолдиришга муваффақ бўлди. Спортчимиз маррага тўртинчи бўлиб етиб келган бўлса-да, унинг кўрсатган натижаси совриндорларникидан унча катта фарқ қилмади. Охир оқибат умумий якунда бу натижа ҳам ўз самарасини берди.

Мусобақаларнинг учинчи босқич баҳслари ўтган ҳафтада Венгриянинг Сегед шаҳрида бўлиб ўтди. Мураббий Александр Понамарёв шогирди 500 метрлик масофа бўйича пойгада бу сафар маррага учинчи бўлиб етиб келди ва жаҳон кубоги баҳсларининг бронза медалини қўлга киритди.

1000 метрлик масофада катта тажрибага эга вакилимизга Венгрияда маррани биринчи бўлиб кесиб ўтиш насиб этмади. Маррага яқинлашганда тезлигини ошириб, пойгадаги рақобатчиларини ортда қолдиришга уста спортчимиздан Сегедда бир нафар каноэчи ўзиб кетишга муваффақ бўлди ва Вадим учинчи босқичнинг кумуш медалини қўлга киритиш билан чегараланди.

Умумий ҳисобда байдарка ва каноэда эшкак эшишнинг 1000 ва 500 метр масофалари бўйича 2 та олтин, 2 та кумуш ва битта бронза медалига сазовор бўлган Вадим Меньков уч босқич якунларига кўра 2009 йилги жаҳон кубоги баҳсларининг ғолиблигини ҳам қўлга киритди ва Осиё чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби деган шарафли номи ёнига жаҳон чемпионлигини ҳам қўшиб қўйди. Спортчимизни бу ажойиб ғалаба билан қутлаймиз.

Р. ЖУМАЕВ.

Армрестлинг

КУЧЛИ БИЛАК СОҲИБЛАРИ БАҲСИ

Пойтахтимизда армрестлинг бўйича VIII-Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда 10 та давлатдан 200 нафарга яқин спортчи қатнашди. Жами 17 та медалга эгалик қилган Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятига МҲСК вакиллари муносиб ҳисса қўшишди.



Қайсики мамлакатда илм-фан ютуқлари ҳаётга татбиқ этилса, бу юртда ўсиш, ривожланиш бўлади. Қайсики мамлакатда спортнинг илғор тажрибалари ўрганилса ва унга интилиш бўлса, бу юртда спорт юлдузлари кўпаяди ва ўз навбатида дунёнинг оммавий йирик мусобақалари ҳам шу юрт томон бирин-кетин оқиб келаверади. Бу оддий аксиома ёки тушунчанинг исботини бизнинг юртимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Мамлакатимизда спортни оммавийлаштириш ҳамда янада ривожлантириш мақсадида жаҳон андозаларига мос кўплаб замонавий иншоот, майдон ва стадионларнинг барпо этилиши, спортчилар учун яратилган мавжуд шарт-шароитлар илғор тажрибалар асосида мунтазам янгиланиб бориши нафақат маҳоратли спортчиларимиз сафининг тобора кенгайишига, балки турли даражадаги кўплаб йирик халқаро мусобақаларнинг юртимизда ўтказилишига сабаб бўлмоқда. Пойтахтимизда, гоҳ Фарғона ёки Бухорода, гоҳ Наманган ёхуд Қаршида халқаро теннис турнирлари, қитъа ёки жаҳон миқёсидаги кураш ёхуд бошқа спорт мусобақалари тез-тез ўтказилиши эндиликда одатий бир ҳолга айланди. Бундан икки ҳафта олдин пойтахтимиз жаҳон самбо юлдузлари баҳсига мезбонлик қилган эди. Ўтган ҳафтада қитъа армрестлингчилари Италияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати олдидан юртимизда меҳмон бўлди. Хорижлик мутахассисларнинг эътироф этишича, бу мусобақалар нафақат савияси, балки ташкилий жиҳатлари билан ҳам уларга манзур бўлган.

Армрестлинг бўйича Осиё чемпионати баҳслари қатнашчиларнинг вазн тоифаси ва ёшига кўра ташкил қилинди. Шунингдек, ўнг ва чап қўл баҳслари бўйича ҳам совринлар таъсис этилди. Қизғин кечган баҳслар натижасига кўра Ўзбекистон терма жамоаси қитъа чемпионатининг 5 та олтин, 10 та кумуш, 2 та бронза ва жами 17 та медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Шундан 4 та олтин ва 6 та кумуш медал МҲСК вакилларига тегишлидир. Хусусан, Равшанбек Олимов, Бобур Бекчанов, Дмитрий Докучаев ҳамда Комил Каримов ўз вазн тоифаси бўйича баҳсларда ғолиб чиқиб, Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлишди. Хайриддин Зайнидов, Обиджон Салимов, Азиз Тожиев, Дмитрий Докучаев, Комил Каримов, Акмал Салиҳуновларга қитъа биринчилигининг кумуш медали насиб этди. Ҳа, иккита йўналиш бўйича баҳсларда қатнашган МҲСК аъзолари – Д. Докучаев ва К. Каримов чемпионатнинг иккита медалини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Чемпионат ташкилотчилари томонидан таъсис этилган «Энг яхши ҳакам» совриниҳам МҲСК вакили – Азизбек Асадовга топширилди. Халқаро тоифадаги спорт устаси А. Асадов илгари Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионатининг бронза медали соҳиби бўлган.

Умумжамоа ҳисобида қозоғистонликлар биринчи, юртдошларимиз иккинчи, тожикистонликлар учинчи поғонани эгаллади. Осиё биринчилиги навбатдаги жаҳон чемпионати олдидан қитъа армрестлингчиларини ўзига хос кўрикдан ўтказди. Жаҳон чемпионати баҳслари 1-8 сентябрь кунлари Италиянинг Венеция шаҳрида бўлиб ўтади.

Ж. РАСУЛОВ.

СПОРТ

Енгил атлетика

НАВБАТ ДУНЁ БИРИНЧИЛИГИГА

Юртимизнинг беш нафар енгил атлетикачиси август ойида Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритди. Улардан уч нафари Хитойда ўтказилган Гран-при туркумидаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашганлиги туфайли эришди. Улар орасида Марказий ҳарбий спорт клуби вакили, кўпкарра Ўзбекистон чемпиони кичик сержант Надежда Дусанова ҳам бор.



Енгил атлетикани бежизга «Олимпия ўйинлари қироли» деб аташмайди. Чунки Олимпиадада спортчиларга энг кўп медаллар шодаси айнан шу спорт тури бўйича улашилади. Шунинг учун ҳам дунёнинг кўплаб мамлакатларида мазкур спорт турини оммавийлаштириш ва ривожлантиришга катта аҳамият берилади. Қолаверса, енгил атлетика спортчиларнинг шуғулланиши, машғулотлар ўтказиши учун айрим спорт турлари каби алоҳида шарт-шароит ва қулайликлар талаб қилмайди. Маҳоратларини ошириш ва тажрибаларини бойитишга сабаб бўлувчи ички ва халқаро мусобақаларни ташкил этишга ҳам катта маблағ сарфланмайди. Кейинги даврда турли масофаларга югуриш, сакраш, улоқтириш билан боғлиқ йирик халқаро мусобақаларда замонавий спорт майдонлари, дунёга машҳур йирик стадионлари бўлмаган кичик давлатлар спортчилари, айниқса, Африка қитъаси вакилларининг ғолиб чиқаётгани ҳам фикримизга далил бўлади.

Юртимизда бошқа спорт турлари қатори енгил атлетикани ривожлантиришга ҳам катта эътибор бериляпти. Вакилларимизнинг жаҳон миқёсидаги турли мусобақалардан совриндор бўлиб қайтаётгани ана шу эътибор маҳсулидир. Яқинда Хитойда Осиё Гран-приси ҳисобланган ана шундай йирик мусобақалардан бири бўлиб ўтди. У Куншан, Гонконг ва Сучжоу шаҳарларида ўтказилди. Гран-прида енгил атлетикачиларимиз муваффақиятли қатнашишди ва керакли балл тўплашга муваффақ бўлган бир қатор спортчиларимиз 15-23 август кунлари Берлинда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини берадиган йўлланма соҳибига айланишди.

Хусусан, 100 метрга югуриш баҳсларида Гўзал Хуббиева икки марта қитъамиз тезкор югурувчиларини ортда қолдирди. Спортчимиз Куншан шаҳрида ўтказилган мусобақада ҳам, Гонконгда ҳам биринчи ўринни эгаллади ва жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди. Шундай йўлланмага баландликка сакраш бўйича Сучжоуда биринчи, Кушанда учинчи ўринни эгаллаган МҲСК вакили, халқаро тоифадаги спорт устаси кичик сержант Надежда Дусанова ҳам эга бўлди.

Лангарчўпда сакраш бўйича Андрей Леонидов, етти кураш бўйича Юлия Тарасова ва баландликка сакраш бўйича Светлана Радзивил бир қатор халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, бундай йўлланмага аввалдан сазовор бўлишган эди. Фақат улардан сўнггиси, яъни Светлана Радзивил Хитой Гран-присида совриндорлар сафидан ўрин олиб, ўзи учун озгина етмаётган балларни тўплашга муваффақ бўлди. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони ҳисобланган Светлана Хитойдаги мусобақаларда биттадан олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритди. Энди бу спортчиларимиз енгил атлетика бўйича XII жаҳон чемпионатида қитъамиз вакиллари сифатида иштирок этиш билан бирга юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилишади. Уларнинг сафи августга қадар янада кенгайиши мумкин. Жумладан, Осиё Гран-присида муваффақиятли қатнашиб, муайян балларни тўплашга муваффақ бўлган спортчиларимиз – 800 метрга югуриш бўйича Ирина Мороз, ядро улоқтириш бўйича Григорий Камуля, уч ҳатлаб сакраш бўйича Александра Котляровада ана шундай имконият бор. Котлярова Хитойдаги мусобақаларда битта кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритишига қарамай, дунё биринчилигида қатнашиш учун зарурий бўлган балларни тўплай олмади. Жаҳон чемпионатига қадар ўтказиладиган йирик халқаро мусобақаларда уларнинг ва бошқа енгил атлетикачиларимизнинг муваффақиятли қатнашиши ҳамда керакли балларни тўплашидан умид қиламиз.

Расул ЖУМАЕВ.

Теннис

АРМИЯЧИЛАР ЮТУҒИ

Теннис бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган навбатдаги мамлакат биринчилигида Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари муваффақиятли қатнашишди. Армиячилар биринчиликнинг иккита олтин, битта кумуш ва битта бронза медалларини қўлга киритишди.

Чемпионат баҳслари тўртта йўналиш бўйича ташкил этилди. Йигитлар ҳам, қизлар ҳам яккалик ва жуфтлик баҳсларида ғолиблик учун кураш олиб боришди. МҲСК вакиллари учун чемпионатнинг яккалик баҳслари омадли кечди; айниқса, қизлар ўртасидаги беллашувлар. Финалга қадар барча рақибларидан устун келган Арина Фольц ва Виктория Карменова чемпионлик масаласи армиячилар ўртасидаги ўзаро ўйинда ҳал бўлишини таъминлашди. Қизғин кечган бу учрашувда А. Фольц ғалаба қозонди, В. Карменова эса чемпионатнинг кумуш медалига сазовор бўлди.

Чемпионатнинг йигитлар ўртасидаги яккалик баҳслари ҳам МҲСК вакилининг ғолиб чиқиши билан ўз ниҳоясига етди. Сет баҳсларида Роман Пифтор ҳеч бир рақибга имкон қолдирмади. Армиячиларнинг яна бир вакили – Руслан Гусеннов эса биринчиликни мукофотли учинчи ўрин билан якунлади.

Футбол

ЯНА МАҒЛУБИЯТ

Келаси йили Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати финал босқичида қатнашувчи 32 терма жамоа орасида миллий терма жамоамизни кўрмаймиз.

10 июнь куни Австралия терма жамоаси баҳрайнликларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратгач, йўлланма соҳиби бўлиш учун терма жамоамизда имконият туғилган эди. Лекин 17 июнь куни Манамада бўлиб ўтган Баҳрайн ва Ўзбекистон терма жамоалари ўртасидаги учрашувдан сўнг барчасига нуқта қўйилди. Футболчиларимиз аввалги жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида бўлгани каби яна Баҳрайн тўсиғидан ўта олишмади. 11 февралда Тошкентда ўтказилган учрашувнинг сўнгги дақиқасида жаримадан дарвозамизга тўп киритган Маҳмуд Абдулраҳмон Манамада ҳам айнан шундай вазиятда гол уриб, бизнинг барча умидларимизни пучга чиқарди. Ўйин 1:0 ҳисобида Баҳрайн терма жамоасининг ғалабаси билан якунланди.

Шу куни ўтказилган Австралия – Япония учрашувида 2:1 ҳисобида мезбонлар ғалаба қозонди. Саудия Арабистони – Шимолий Корея (0:0) ва Жанубий Корея – Эрон терма жамоалари ўртасидаги учрашувларда эса дуранг (1:1) натижа қайд этилди. Шундай қилиб Австралия, Япония, Жанубий Корея ва Шимолий Корея терма жамоалари жаҳон чемпионатининг финал босқичига йўлланмани қўлга киритишди. Баҳрайн ва Саудия Арабистони терма жамоалари эса 5-9 сентябрда ўзаро учрашади. Икки ўйин натижасига кўра ғолиб жамоа жаҳон чемпионатининг финал боқичига берилади-ган йўлланма учун Янги Зеландия терма жамоасига қарши майдонга чиқади.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.

ҚАЙДНОМА

БОКС. 20 июнь куни Германиянинг Гельзенкирхен стадионида профессионал бокс бўйича WBO ва IBF чемпиони Владимир Кличко (Украина) ҳамда WBA чемпиони Руслан Чагаев (Ўзбекистон) ўртасида тарихий ринг жанги бўлиши кутиляпти. 60 минг томошабинга мўлжалланган стадионга кириш учун чипталар аллақачон сотиб бўлинган. Украиналик боксчи ўзини гепатит касали безовта қилаётгани ва шу пайтгача профессионал рингда мағлубиятга учрамаган ҳамюртимизнинг чапақайлигидан хавфсираётганини эътироф этишига қарамай, букмекерларнинг 75 фоизи бу жангда В. Кличко ғалаба қозонишини, атиги 3 фоизи дуранг қайд этилишини, 22 фоизи Р. Чагаевнинг муваффақиятини башорат қилишаяпти.

ФУТБОЛ. Германияда ўқув-машғулот йиғинини ўтказган ёшлар терма жамоамиз навбатдаги ўртоқлик учрашувида маҳаллий «Бэд наухем» клубини 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Санъат Шихов (2 та), Иван Нагаев, Алишер Азизов, Сардор Мирзаев гол муаллифлари бўлишди. Мисрда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўраётган Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари бундан олдинги учрашувда «Рокенберг» жамоасидан 3:0 ҳисобида устун келган эди. У ўйинда ҳам С. Шихов ва А.Азизов рақиблар дарвозасига тўп киритишган, дастлабки гол муаллифи эса Шерзод Аъзамов бўлганди. Ёшларимиз Германиядаги учинчи назорат ўйинида ҳам ғалаба қозонди. Бу сафар биринчи дивизион вакили «Рот-Веис» 5:3 ҳисобида мағлуб этилди. Ёшлар терма жамоамиз киритган голларга Ш. Муҳаммадиев, К. Тўраев, С. Мирзаев, З. Пиримов ва яна А. Азизов муаллифлик қилди.

ЭРКИН КУРАШ. Бишкекда ўтказилган халқаро мусобақада ўндан ортиқ давлатларнинг 200 нафарга яқин полвонлари ўзаро беллашишди. Вакилларимиз мазкур халқаро мусобақанинг биттадан олтин ва бронза медалларини қўлга киритишди. 74 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан спортчимиз Артём Присяжнюк барча рақибларидан устун келган бўлса, ярим финалгача етиб борган 66 кг. вазнли полвонимиз Мурод Аблоқуловга бронза медали насиб этди.

ЮНОН-РУМ КУРАШИ. Туркиянинг Измир шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги халқаро мусобақада вакилларимиз учта медални қўлга киритишди. 54 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан Шерзод Қурбонов ва 63 кг. вазнлилар беллашувида Баҳром Муродов барча рақибларидан устун келиб, халқаро мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлишди. 42 кг. вазнда беллашган Аҳмаджон Маҳмудов эса бронза медали билан тақдирланди.

ФУТБОЛ. «Пахтакор» футбол академияси тарбияланувчилари жамоаси Украинада ўтказилган халқаро мусобақа ғолиби бўлди. Ёш пахтакорчилар илк ўйинда 1996 йилда таваллуд топган тенқурларидан иборат Киев терма жамоасини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Иккинчи ва учинчи турларда Киевнинг «Старт» ҳамда Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоалари ҳам йирик ҳисоб билан мағлуб этилди. Гуруҳда биринчи ўринни эгаллаган вакилларимиз финалда Киевнинг «Динамо» клуби футбол мактаби жамоаси билан ўйнади. Унда ёш пахтакорчилар 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, «Банников кубоги»ни қўлга киритишди.

ТЕННИС. Бухоро ва Қарши шаҳарларида аёллар ўртасида халқаро мусобақалар бўлиб ўтди. Соврин жамғармаси 25 минг АҚШ долларини ташкил этган Бухородаги халқаро мусобақада 11 мамлакатнинг 32 нафар, Қаршида эса 27 давлатнинг 80 нафар ракетка устаси ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб боришди. Бухородаги турнирнинг яккалик баҳслари финалида австриялик Никола Ховфмановани 6:2, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратган россиялик Арина Радионова ғолиб чиқди. Жуфтлик баҳсларида Анна Бражникова (Швеция) ва Марта Сироткина (Россия) жуфтлиги бош совринни қўлга киритди.

ШАХМАТ. Аёллар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионати олий лигасида 11 имкониятдан 10,5 очко тўплаган фарғоналик Нафиса Мўминова ғолиб чиқди. Ҳа, у 10 та партияда ғалаба қозонди. Иккинчи ўрин пойтахтлик Ольга Собировага насиб этди. У 11 партиянинг 7 тасида ғалабага эришди, 2 та дуранг ва шунча мағлубиятга учраб, 8 очко жамғаришга муваффақ бўлди. Ундан бир очко кам жамғарган яна бир фарғоналик шахматчи Ҳулкар Тоҳиржонова учинчи ўринни эгаллади. Эркаклар ўртасидаги олий лига мусобақаларида эса самарқандлик шахматчилар оиласининг кенжаси, халқаро тоифадаги спорт устаси Жўрабек Ҳамроқулов 6 та ғалаба ва 6 та дурангга эришиб, 12 имкониятдан 9 очко жамғарган ҳолда кетма-кет иккинчи марта Ўзбекистон чемпиони бўлди. Халқаро гроссмейстер Антон Флиппов (Тошкент) еттинчи партияда Сайдали Йўлдошевга (Тошкент вил.) ютқазиб қўйиб, Ж. Ҳамроқуловдан ярим очко ортда қолди. Учинчи ўринни эгаллаган халқаро тоифадаги спорт устаси Владимир Егин (Тошкент) ҳам чемпионатда мағлубиятга учрамади. У 3 та ғалаба ва 9 та дурангга эришиб, 12 имкониятдан 7,5 очко жамғаришга муваффақ бўлди.

ФУТБОЛ. Лондоннинг «Челси» жамоаси собиқ устози Луис Фелипе Сколари мамлакатимизда иш бошлади. У Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси билан 18 ойлик муддатга шартнома имзолади. Бразилиялик мутахассис «Бунёдкор» жамоаси ҳамда Болалар футбол академиясида фаолият кўрсатади. Бу борада унга иккинчи мураббий Флавио Да Кунья Тейшера, жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий Дарлан Жозе Шнейдер, дарвозабонлар мураббийи Антонио Карлос Прачелли яқиндан ёрдам беради. Эслатиб ўтамиз, унинг мураббийлигида Бразилия терма жамоаси 2002 йили жаҳон чемпионлигини, Португалия терма жамоаси 2004 йили Европа чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритган. ФИФА томонидан анъанавий тарзда ўтказиладиган сўровномага кўра, Сколари 2002 йили «Йилнинг энг яхши мураббийси» деб эътироф этилган.

МАДАНИЯТ

ЯНГРАР ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ

Бу йил Самарқанд шаҳрида еттинчи марта "Шарқ тароналари" анъанавий халқаро мусиқа фестивали ўтказилади.

Мусиқа санъати неча минг йиллардан буён инсонлар қалбига юксак ва беғубор туйғуларни жо этиб келаётган, бу ёруғ оламни янада мунаввар қилиб кўрсатадиган мўъжизадир. Айниқса, башарият мураккаб технологиялар, глобал муаммолар, шиддаткор тараққиёт асрида яшаётган бугунги кунда руҳий юксаклик намунаси бўлган бу санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва қадр-қиммати бениҳоя ортиб бораётир.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори мусиқа санъати ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳномолигида 1997 йилдан буён Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Бой маданиятимиз дурдоналари бўлмиш ўлмас мусиқа асарларини бутун дунёга янада кенгроқ танитиш, мумтоз тароналардан нафосат шайдоларини баҳраманд қилиш, янги истеъдод эгаларини кашф этиш борасида ушбу анжуманнинг аҳамияти катта.

Самарқанд азалдан илм-фан, санъат бешиги сифатида маълум ва машҳур. Кўҳна Афросиёб харобаларидан топилган деворий суратларда ҳам созанда ва хонандалар тасвирини кўриш мумкин. Бу эса юртимизда мусиқа санъати неча минг йиллар аввал ҳам юксак даражада ривожланганининг ёрқин далилидир. Буюк аждодларимизнинг мусиқа тарихи ва назарияси масалаларига бағишланган асарлари, Самарқанд вилоятидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган най чолғуси топилгани ҳам миллий мусиқа маданиятимиз илдизлари нечоғли теран эканини кўрсатади.

Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг "Зафарнома" китобида Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, "Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку муғул, хитойу араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди", деб ёзган.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд ўзининг олис тарихи давомида қадимий цивилизациянинг ноёб намуналари, Шарқнинг бетакрор табиати ва ўлмас руҳини, меъморлик санъати, бой маданиятини ўзида мужассам этиб, дунё аҳлининг эътиборини тортиб келаётган улуғвор шаҳардир.

«Шарқ тароналари» деб ном олган, Шарқнинг қалби ва юрагини ифода этадиган, классик мусиқа санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек олижаноб мақсадга хизмат қилиб келаётган бу анжуманнинг айнан мана шу фусункор шаҳарда ўтказиб келинаётганида ҳам чуқур рамзий маъно бор.

Мафтункор Регистон майдонининг ўзидан, бу ерда қад ростлаган муҳташам обидаларнинг мовий гумбаз пештоқларидан гуё мумтоз мусиқа овози эшитилиб тургандек туюлади. Бу садолар шу муаззам масканга қадам қўйган ҳар бир инсонга тарихнинг сеҳрли саҳифаларини очиб, эзгуликка, тинчлик ва осудаликка чорлаётгандек.

Бу йил «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали еттинчи бор ўтказилади. Август ойида кўҳна Самарқанд яна бутун дунё халқларининг санъаткорларига қучоқ очади. Яна Регистон узра она Ватан, муҳаббат ва садоқат, дўстлик ва инсонпарварликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, тароналар янграйди. Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида бўлиб ўтадиган улкан мусиқа байрамига нафақат қадимий ва навқирон шаҳар аҳли, балки мамлакатимизнинг барча санъат намояндалари, ижодкорлар қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар.

– Бу йилги мусиқа анжуманининг ҳар галгидан ҳам кўтаринки руҳда ўтиши учун ҳаракат қилмоқдамиз, – дейди "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали дирекцияси ижрочи директори Бакир Эшматов. – Ўзбекистон халқ артисти, таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигида ижодкорлар гуруҳи фестивалнинг очилиш ва ёпилиш тантаналари асосий ғояси – театрлаштирилган томоша мавзусининг изчиллиги ва уйғунлиги, куй-қўшиқларнинг ҳамоҳанглиги, қўйиладиган рақсларнинг бетакрорлиги борасида фаол иш олиб бормоқда.



Фестиваль доирасида ҳар бир қатнашчи ўз халқининг миллий мусиқа меросини, истеъдоди ва маҳоратини намоён қилишга, ижодий беллашувларда юқори ўрин ва мукофотларни эгаллашга ҳаракат қилиши табиий, албатта. Шу маънода, иштирокчилар сафи ҳам йилдан-йилга кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, 1997 йилги мусиқа анжуманида 33 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, 2007 йилда иштирокчи давлатлар сони 51 га етди. Бу гал Баҳрайн, Коста-Рика ва Австралия санъаткорлари илк бор фестивалимизга ташриф буюради. ҳозирнинг ўзида 40 дан зиёд мамлакат вакиллари Самарқандга келиш истагини билдирди.

Йилдан-йилга иштирокчи мамлакатлар сафи кенгайиб бораётгани каби Регистон саҳнасида ўз маҳоратини намойиш қилишга интилган санъаткорлар ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, дастлабки фестивалга Германиядан 3 нафар, Японияда 2 нафар, Россиядан 7 нафар қатнашчи келган бўлса, 2007 йилги фестивалга бу давлатлардан тегишли равишда 7, 18 ҳамда 16 нафар хонанда ва созанда ташриф буюрди.

Ушбу фестиваль янги номларни кашф этиш, иқтидорларни саралаш ва юзага чиқариш, санъат ва санъаткорни юксак поғонага кўтаришнинг муҳим омили бўлиб қолди. Биринчи фестивалда бош совриндан – Гран-прини олган озарбойжонлик Симара Имановаңа нафақат бошқа давлатлар, балки ўзининг юртида ҳам "Шарқ тароналари"дан кейин кўпчилик яхши танийдиган бўлгани ҳеч қандай муболаға эмас. Мамлакатимиз миқёсида олиб қараганда ҳам мазкур фестивалда турли йилларда биринчи ўринни қўлга киритган ёшларимизнинг бугунги мувафаққияти ҳаммамизни қувонтиради.

– Дунёдаги деярли барча халқлар эшигига соз кўтариб келган одамни азиз меҳмон сифатида қабул қилади, – дейди Самарқанд шаҳар ҳокими Зоир Мирзаев. – Шунинг учун биз фестивалимизнинг азиз меҳмонларини ўзга элларнинг маънавий ва маданий руҳини мусиқа воситалари орқали ифодаловчи тинчлик ва дўстлик элчилари сифатида кутиб оламиз. Уларга донғи кетган шаҳримиз билан яқиндан танишиш, тарихий обидаларга саёҳат уюштириш, турли учрашув ва мулоқотлар, илмий-амалий анжуманларда қатнашиш имкони яратилади.

Халқимиз азалдан бунёдкор ва яратувчидир. Эл-юртимизга хос бундай фазилатлар айниқса катта тадбир ва қутлуғ тўйлар арафасида янада ёрқинроқ намоён бўлиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрамига тайёргарлик баробарида шаҳримиздаги қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари кўлами янада кенгайганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу ишларга шаҳар аҳолисининг барча қатлами муносиб улуш қўшаётир. Чунки дилларга шукуҳ бағишловчи фестивалнинг бошланишини мусиқа санъати мухлису мутасаддилари, ёшу қари, ўқувчию талаба интизорлик билан кутмоқда.

Инсон ҳаётининг доимий ҳамроҳи бўлган ва унинг маънавий дунёсини тўлдириб, доимо эзгулик ва покликка чорлаган илоҳий қудрат бўлмиш мусиқа санъати, Алишер Навоий таъбири билан айтганда, кўнгил қуввати, руҳ саодатидир.

Тез орада Самарқандининг юраги ҳисобланган муаззам майдон узра яна карнай-сурнай садолари, шарқона тароналар янграйди. Куй қўшиққа, қўшиқлар рақсга уланади. Регистондан таралажак наволарда эрк ва ҳурлик, юрт озодлиги ва ободлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёти, тинч ва осойишта кунлар қадри тараннум этилади.

Озод РАЖАБОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

БОЛАЛАРГА ТАЪТИЛ ТУҲФАСИ

Ёз фасли. Болажонлар қалбига олам-олам шодлигу қувончларни ошно этадиган бу фаслни шубҳасиз улар интиқлик билан кутишади. Шу боисдан ҳам таътил онлари яқинлашган сайин болажонлар унинг мароқли бўлишини чин дилдан исташади. Уларнинг беғуборлик уфуриб турган хатти-ҳаракатларига қараб юракларимиз ширин орзиқади. Кўча-кўйда турли ўйинлар ўйнаб, вақтини хуш ўтказаётган болаларнинг қийқириғи қувончимизга қувонч қўшади. Ҳа, уларнинг астойдил яйраганларини кўришнинг ўзи ҳам кўнгилли. Айни дамда Марказий офицерлар саройида ҳарбий хизматчилар, шу билан бирга хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар фарзандларининг ёзги таътилни мароқли ўтказишлари учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

– Болаларнинг ёз фаслини мазмунли ва қизиқарли ўтказишлари учун бу йил ҳам махсус режа ишлаб чиқилган, – дейди биз билан суҳбатда офицер Рустам Сатторов. – Дастурдан кўзланган мақсад, ёш авлодни миллий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, бўш вақтини унумли ва тўғри ташкил этишга қаратилган. Бу эса бизнинг зиммамизга жуда катта масъулият юклайди. Шу боисдан ҳам тайёргарлик жараёни ҳар йилгидан ҳам қизғин давом этмоқда, барча тадбирлар юқори савияда ташкил этилаяпти. Ушбу тадбирлар таътил давомида бўлиб ўтади. Унда иштирок этадиган болажонлар эътиборига турли кўриктанловлар, маънавий-маърифий кечалар тақдим этилади. Яъни, ёш рассомлар танлови ҳамда шахмат турнири, «Қизалоқ» рақс дастасининг концерт дастурлари шулар жумласига киради. Марказий Офицерлар саройи қошидаги «Кино олами» кинозалида фильмлар намойиши аллақачон бошлаб юборилган. Таътил вақтида болалар бу ерга келиб қизиқарли фильмларни томоша қилишлари мумкин. Фильм афишалари ҳар ҳафта янгиланиб турилади. Ўйлаймизки, ушбу тадбирлар болажонлар учун ажойиб таътил туҳфаси бўлади.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.



ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: Қуролли Кучлар хизматчилари В. КАЛОШИН, И. ИБРОҲИМОВА

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исламаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 25600.
Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № J-75-92.